

Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон  
Миллий университети меҳнат  
жамоасининг конференциясида  
маъқулланган.

Баённома № 1

“26” август 2025 йил

Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий университети  
маъмурияти ҳамда Касаба уюшмаси қўмитаси ўртасида 2025-2027  
йиллар учун тузилган

## ЖАМОА ШАРТНОМАСИ

Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий университети меҳнат  
жамоаси умумий йиғилиши қарори асосида жамоа шартномасига қуйидаги  
вакиллар имзо чекдилар:

**Иш берувчи:**

Ўзбекистон Миллий университети  
ректори И. Маджидов

“26” август 2025 йил

**Ходимларнинг вакили:**

Касаба уюшмаси қўмитаси  
раиси О. Худайназаров

“26” август 2025 йил

Жамоа шартномасига имзо чекиш вақтида қуйидагилар ҳозир бўлдилар:

**Иш берувчи вакиллари**

1. Рустамов Т.

2. Тўраев Б.

3. Мавлонов Б.

4. Рахмонов Б.

5. Рустамова Р.

**Ходимлар вакиллари**

1. Кахаров Б.

2. Жаббаров К.

3. Умаров А.

4. Адилова М.

5. Убайдуллаев А.

Ушбу жамоа шартномаси Ўзбекистон таълим ва фан ходимлари касаба  
уюшмаси Тошкент шаҳар бўлинмаси Кенгашида 2025 йил «28» август куни  
48 сон билан рўйхатдан ўтказилди.

Тошкент шаҳар бўлинмаси Кенгаши раиси

А.Рахмонов

## I. УМУМИЙ ҚОИДАЛАР

1. Мазкур жамоа шартномаси (кейинги ўринларда «Шартнома») Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий университети (кейинги ўринларда “Университет”) да иш берувчи билан ташкилотда якка тартибдаги меҳнатга оид муносабатларни ва улар билан бевосита боғлиқ бўлган ижтимоий муносабатларни тартибга солувчи ҳамда ходимлар томонидан ўз вакиллари орқали ва иш берувчи томонидан тузиладиган меҳнат тўғрисидаги ҳуқуқий ҳужжатдир (МК. 65-модда).

2. Мазкур шартноманинг тарафлари деб (кейинги ўринларда “тарафлар” деганда иш берувчи ва касаба уюшмаси тушунилади) қуйидагилар ҳисобланади:

- иш берувчи – Университет ректори тимсолида;
- ходимлар - Касаба уюшма қўмитаси тимсолида.

3. Шартнома имзоланган кундан кучга киради ва 2027 йил 31 декабргача амал қилади. Белгиланган муддат тугагач, жамоа шартномаси тарафлар янги шартнома тузгунча ёки амалдаги шартномани ўзгартиргунча, тўлдиргунча амалда бўлади.

4. Мазкур **Шартнома Иш берувчига ва Университетнинг** барча ходимларига, шу жумладан, жамоа шартномаси кучга кирганидан кейин ишга қабул қилинган шахсларга, ўриндош ходимларга ҳамда университет ҳузуридаги касаба уюшмасига аъзо ташкилотларнинг ходимларига ҳам татбиқ этилиши мумкин.

Мазкур шартномада назарда тутилган ҳолларда унинг айрим қоидалари қуйидагиларга нисбатан ҳам татбиқ этилади:

- ходимнинг оила аъзоларига;
- ушбу ташкилотда узоқ йиллар самарали меҳнат қилиб, айти пайтда пенсияда бўлган шахсларга;
- ёшга доир пенсияга чиқиши муносабати билан меҳнат муносабатлари иш берувчи томонидан бекор қилинган шахсларга;
- меҳнат вазифаларини бажариш билан боғлиқ ҳолда жароҳатланиши, касб касалликларига чалиниши ёки саломатлиқнинг бошқа хил шикастланиши туфайли зарар етказилиши оқибатида жабрланган собиқ ходимларга;
- меҳнатда майиб бўлиши, касб касаллиги ёки меҳнат вазифаларини бажариш билан боғлиқ ҳолда соғлиғига бошқача тарзда шикаст етиши сабабли вафот этган ходим қарамоғида бўлган ва зарар тўловини олиш ҳуқуқига эга бўлган қонун билан чекланмаган шахсларга;
- касаба уюшма қўмитасининг штатдаги ходимларига;
- фуқаролик-ҳуқуқий тусдаги шартномалар бўйича ишларни бажараётган шахсларга;
- касаба уюшмаси аъзоларига (касаба уюшмаси бюджети ҳисобидан бериладиган қўшимча имтиёзлар қисмида).

5. **Шартномага** ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тарафларнинг ўзаро келишувига асосан Меҳнат кодексига уни тузиш учун белгиланган тартибда амалга оширилади.

6. Меҳнат тўғрисидаги қонунлар ва бошқа норматив ҳужжатлар мазмунига қилинган ишораларнинг барчасида уларнинг мазкур **Шартномани** тузиш чоғидаги таҳрири назарда тутилган.

7. Иш берувчи барча ходимларни, шу жумладан ишга янги қабул қилинган ходимларни, жамоа шартномаси, шунингдек, касаба уюшмаси қўмитаси билан келишиб қабул қилинган Университетнинг бошқа локал ҳужжатлари билан таништириш, жамоа шартномасининг мазмунига ва бажарилиши шартларига оид маълумотлар ошкоралигини (мажлислар, конференциялар, масъул ходимлар ҳисоботлари, ахборот стендлари, тармоқ нашрлари ва ҳоказо орқали) таъминлаш

мажбуриятини ўз зиммасига олади.

**8.** Университетга ишга кирган янги ходим касаба уюшмаси қўмитасида танишув суҳбатидан ўтказилади.

**9.** Ўзбекистон Республикаси Меҳнат кодексининг 540-моддасига мувофиқ, Касаба уюшма қўмитаси Университетда меҳнат тўғрисидаги қонунчиликка ва меҳнатни муҳофаза қилиш қоидаларига риоя этилишини текшириш ҳамда назорат қилишни амалга оширади.

**10.** Халқаро Меҳнат Ташкилотининг “Ташкилотда меҳнаткашлар вакилларининг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш ва уларга бериладиган имкониятлар тўғрисида”ги 135-Конвенциясига, шунингдек Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида 1995 йил 18 декабрда 196 рақам билан рўйхатга олинган “Меҳнат муҳофазаси бўйича вакил ҳақида Низом”нинг 12-бандига биноан ходимларнинг қуйидаги тоифалари мазкур шартнома мақсадларида Меҳнаткашлар вакиллари деб эътироф этиладилар:

- а) касаба уюшмаси қўмитаси аъзолари;
- б) меҳнатни муҳофаза қилиш бўйича вакиллар;
- в) меҳнат низолари комиссиясининг аъзолари.

**11.** Касаба уюшма қўмитаси вакиллари Университетнинг бошқарув органлари ходимларнинг ижтимоий-иқтисодий манфаатлари билан боғлиқ қарорлар қабул қилувчи (аттестация, тарификация, рағбатлантириш) комиссиялар таркибига киритилади.

## **II. ИШЛАБ ЧИҚАРИШ ВА ИҚТИСОДИЙ ФАОЛИЯТ**

**12.** Тарафлар Университет ходимларининг моддий ва ҳуқуқий аҳволи яхшиланишидан ўзаро манфаатдор эканликларини қайд этиб, қонун ва қонун ости ҳужжатлари ҳамда мазкур шартнома билан берилган ҳуқуқларни амалга ошириш ва мажбуриятларни бажариш йўли билан ходимлар ва иш берувчининг ижтимоий-иқтисодий манфаатлари келишилишини таъминлаш юзасидан саъй-ҳаракатларни бирлаштириш зарур, деб ҳисоблайдилар.

**13.** Иш берувчи барча бўғин касаба уюшмаси вакилларини Устав вазифаларини бажариш учун иш жойларига монеликсиз қўйиши зарур.

### **14. Иш берувчи:**

а) Университет мувафаққиятли фаолият юритишига, меҳнат маданияти ва интизомини янада яхшиланишига эришиш, ишловчиларнинг касб маҳоратини юксалтириш, тариф ставкаларини амалдаги меъёрий ҳужжатларда белгиланганига нисбатан пасайишига йўл қўймаслик;

б) меҳнат жамоасини моддий-техник ресурслар ва молиявий маблағлар билан ўз вақтида таъминлаб бориш;

в) меҳнат унумдорлигини ошириш, илғор тажрибани ўзлаштириш, фан ва техника ютуқларини амалиётга жорий этиш учун барча шарт-шароитларни яратиш;

г) Университетнинг молиявий аҳволи ва олинган фойданинг ишлатилиши ҳақида меҳнат жамоасини хабардор қилиб бориш;

д) Университетнинг ўзида, зарур ҳолларда эса - тегишли таълим Ташкилотларида ходимлар учун касбий тайёргарлик, бошқа касбга ўргатиш, малака ошириш ишларини олиб бориш;

з) жамоа шартномасини тузишга, унинг бажарилиши устидан назоратни йўлга қўйишга, шунингдек Ўзбекистон Республикасининг Меҳнат кодексида, бошқа қонунларида, **университетнинг** таъсис ҳужжатларида, жамоа келишувларида ҳамда

мазкур **Шартномада** назарда тутилган бошқа масалаларга оид маълумотларни **Касаба уюшмаси қўмитасига** тақдим этиб бориш;

и) белгилаб қўйилган меҳнат тартиби доирасида **Касаба уюшма қўмитаси** билан ҳамкорлик қилиш, ўзаро таклифлар ва талабларни ўз вақтида кўриб чиқиш, меҳнат низоларини аввало музокара йўли билан ҳал этиш;

к) **Университетни** бошқаришда ходимларнинг амалдаги қонунларга зид бўлмаган шакллардаги иштирокини таъминлаш учун шарт-шароитлар яратиш;

л) ходимларни аттестациядан ўтказишдан камида 2 ой олдин ходимлар огоҳлантириш, камида 1 ой олдин тахминий саволлар билан таништиришни зиммасига олади.

#### **Касаба уюшмаси қўмитаси:**

а) ижтимоий, иқтисодий ва меҳнат муносабатларига оид масалаларни ҳал этишда ходимлар номидан иш кўриш;

б) Касаба уюшмаси қўмитаси вакиллари Университет бошқарувининг органларига сайланиши имкониятларидан фойдаланиш;

в) иш берувчи билан ходимларнинг манфаатлари нуктаи назаридан доимий мулоқотда бўлиш, масалани ижобий ҳал қилишда қийинчиликлар юзага келганда юқори турувчи касаба уюшмаси органларига зудлик билан хабар бериш;

г) ички меҳнат тартиби қоидаларига, меҳнат интизомига риоя этилишига, меҳнат вазифалари ўз вақтида ва сифатли бажарилишида ходимларга қўмаклашиш;

д) Университетни бошқариш, жамоа шартномасини такомиллаштириш, ходимларнинг меҳнат шартномасидаги вазифаларни тўлиқ ва сифатли бажаришларига қўмаклашиш бўйича таклифларни Иш берувчига киритиб боришни таъминлайди.

#### **Ходимлар:**

а) ўз меҳнат вазифаларини ҳалол бажариш, Университет ректорининг фармойишлари ва буйруқларини ўз вақтида ва сифатли ижро этиш;

б) ички меҳнат тартиб қоидаларига, ўрнатилган тартибда меҳнат интизомига риоя қилиш;

в) меҳнат унвондорлиги ўсишига, ресурслар иқтисод қилинишига қўмаклашиш, ўз ҳамкасбларининг илғор тажрибасидан фойдаланиш;

г) меҳнат ҳуқуқлари бузилаётган ёки аҳволи оғирлашаётган пайтда зудлик билан касаба уюшма қўмитаси раисини хабардор қилиш мажбуриятларини ўз зиммасига оладилар.

### **III. МЕҲНАТ ШАРТНОМАСИ. БАНДЛИК КАФОЛАТЛАРИ**

**15.** Ходим ва иш берувчи ўртасидаги меҳнатга оид муносабатлар меҳнат тўғрисидаги қонунлар ва қонуности меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар шу жумладан тармоқ келишуви ва мазкур шартнома қоидаларига ҳамда ёзма равишда тузилган меҳнат шартномасига асосан тартибга солинади.

**16.** Университетнинг педагог ходимлари билан меҳнат шартномалари танлов асосида тузилади.

Бошқа ходимларни ишга қабул қилиш танлов ёки суҳбат асосида амалга оширилади. Мутахассислигига, малакасига ва меҳнат шартномасига мувофиқ ходимлар тўла-тўқис иш билан таъминланадилар.

**17.** Университетга ишга қабул қилиш чоғидаги дастлабки синов Меҳнат кодексининг 129-моддасида келтирилгандан ташқари қуйидагилар учун ҳам белгиланмайди:

Таълим жараёнида юқори натижа кўрсатган педагоглар;

Талабалари ҳалқаро олимпиадада 1,2,3- ўринларни олган педагоглар;

Давлат мукофоти совриндорлари.

**18. Иш берувчи** меҳнат шартномаларини тузиш ва бекор қилиш, унга ўзгартиришлар киритишда қонунчиликда белгиланган тартибда “Ягона миллий меҳнат тизими” идоралараро дастурий-аппарат комплекси”да муқаррар равишда рўйхатдан ўтказилишини таъминлайди.

**19.** Меҳнат фаолиятини ёки педагогик фаолиятни илмий иш билан бирга олиб бораётган шахсларга асосий иш жойида ўртача иш ҳақи ва лавозими сақланган ҳолда қуйидаги муддатларга ижодий таътиллار берилади:

фалсафа доктори (Doctor of Philosophy (PhD)) илмий даражасини олишга доир диссертацияни яқунлаш учун ҳамда дарсликлар ва ўқув-услубий қўлланмалар қўлёзмаларининг муаллифларига - уч ойгача;

фан доктори (Doctor of Science (DSc)) илмий даражасини олишга доир докторлик диссертацияни яқунлаш учун - олти ойгача (МК. 387-модда).

**20.** Тегишли маълумотга, касбий тайёргарликка, маънавий-ахлоқий фазилатларга эга бўлган шахслар педагогик фаолият билан шуғулланиш ҳуқуқига эга.

Педагог ходимларни университетга кафедра мудири, профессор, доцент, катта ўқитувчи, ўқитувчи (ассистент), стажёр-ўқитувчи лавозимларига ишга қабул қилиш Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан тасдиқланадиган низомга мувофиқ танлов асосида амалга оширилади.

Университет ректорига танлов ўтказилгунига қадар кафедра мудири вакант лавозими бўйича вазифаларни бажаришни кафедранинг етакчи ўқитувчиларидан бирининг ёки тегишли факультет деканининг зиммасига юклатишга рухсат берилади.

Университетга соатбай ҳақ тўланиши шартлари асосида ўқитувчилик ишига қираётган шахслар танловсиз, олий таълим ташкилоти раҳбарининг буйруғи билан ишга қабул қилинади.

Университет педагог ходимларига ҳафтасига ўттиз олти соатдан ортиқ бўлмаган иш вақтининг қисқартирилган давомийлиги белгиланади ва йиллик узайтирилган меҳнат таътили берилади. Педагог ходимлар иш вақтининг аниқ давомийлиги ва йиллик узайтирилган меҳнат таътилининг давомийлиги Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан Ижтимоий-меҳнат масалалари бўйича республика уч томонлама комиссияси билан келишилган ҳолда белгиланади. Мазкур ҳужжатнинг янги лойиҳаси бўйича таклифлар Вазирлик томонидан 2023 йилнинг биринчи ярим йиллиги давомида келишиш учун Республика кенгашига киритилади. Унга қадар, иловага мувофиқ, тизимдаги ходимлар учун йиллик меҳнат таътили белгиланади (МК. 501-модда).

**21.** Иш берувчи тизимдаги ўзгаришлар ва таълим сифатини оширишга қаратилган чора-тадбирлардан келиб чиқиб педагоглар ва ходимларнинг малакасини оширишни ташкил қилади. Агар маълум бир йўналишда ўқитувчиларда сертификатга эга бўлиш талаби юзага келса, ушбу сертификат олиш учун дастлаб ўқув ташкил қилинади. Аммо ушбу сертификатнинг йўқлиги ходим билан тузилган меҳнат шартномасини бекор қилиш учун асос бўлмайди.

**22.** Тарафлар сертификат талаб қилишдан олдин малака ошириш - ходимнинг ундаги мавжуд касб ва мутахассислик бўйича ишларни бажаришга тайёрлигини тавсифловчи, ходимнинг касбий билимлари, малакалари ва кўникмалари даражасини такомиллаштириш эканлиги (МК.367-модда), ходимнинг малакаси эса унинг муайян касбий фаолият турини бажаришга тайёрлигини тавсифлайдиган касбий билимлари, малакалари, кўникмалари, лаёқати ва иш тажрибасининг даражаси (МК.369-модда) эканлигини инобатга олишлари лозим.

**23.** Касаба уюшмаси қўмитасига сайланган ходимларга ваколатлари тугагач, тегишли иш (лавозим) бериш имконияти бўлмаган тақдирда, агар бу ходим педагог

бўлса, имкон қадар дарс соатлари билан таъминланиши ёки ташкилотда мавжуд вакант иш ўринларига жойлаштирилиши лозим (МК. 44-модда).

**24.** Ходимларнинг меҳнат шартномасини касаба уюшмаси кўмитасининг олдиндан розилигини олмай туриб иш берувчининг ташаббуси билан бекор қилишга йўл қўйилмайди. Ўзбекистон Республикаси Қонун ҳужжатларида назарда тутилган ҳоллар бундан мустасно.

Меҳнат шартномасини бекор қилиш ҳуқуқига эга бўлган мансабдор шахснинг ушбу масаладаги ёзма тақдимномаси касаба уюшмаси кўмитасида Ўзбекистон касаба уюшмаси Федерацияси Ижроия кўмитасининг 2023 йил 23 майдаги 9-5-сонли қарори билан тасдиқланган “Касаба уюшмаси кўмитаси, органида меҳнат шартномасини иш берувчининг ташаббусига кўра бекор қилиш тўғрисидаги тақдимномасини кўриб чиқиш Тартиби” асосида кўриб чиқилади.

Агар ходимни ишга қабул қилиш ва у билан меҳнат шартномасини бекор қилиш ҳуқуқи юқори ташкилот ваколатида бўлса, у билан меҳнат шартномасини иш берувчининг ташаббусига кўра бекор қилинишидан олдин, университетнинг касаба уюшмаси кўмитаси ёки низоли ҳолат юзага келса тегишли юқори касаба уюшмаси органи розилиги олинади. Чунки ходим ва шахс сифатида унга фақат бирга ишлаган меҳнат жамоаси ҳамда ходим ишлаган университетдаги касаба уюшмаси кўмитаси баҳо бериши мақсадга мувофиқ.

**25.** Аёлларнинг пенсия ёшига тўлганлиги ёки қонун ҳужжатларига мувофиқ ёшга доир давлат пенсиясини олиш ҳуқуқи вужудга келганлиги сабабли улар билан номуайян муддатга тузилган меҳнат шартномасини 60 ёшга тўлгунга қадар ёки муддатли меҳнат шартномасини муддати тугагунга қадар иш берувчининг ташаббусига кўра бекор қилиш тақиқланади.

**26.** Технологиянинг, ишлаб чиқариш ва меҳнатни ташкил этишнинг ўзгаришига, ишлар (маҳсулот, хизматлар) ҳажмининг қисқаришига боғлиқ бўлган ходимларнинг сони (штати) ўзгарганлиги муносабати билан меҳнат шартномасини бекор қилиш масаласи кўриб чиқиляётганда ходимлар тенг малакага ва меҳнат унумдорлигига эга эканлиги ҳамда Ўзбекистон Республикаси Меҳнат кодекси 167-моддасининг биринчи ва иккинчи қисмларига мувофиқ ишда қолдиришда устувор ҳуқуқ ёки бир-бирининг олдида афзалликлари йўқлиги аниқланса, у ҳолда ходимларни ишда қолдиришда афзаллик бериладиган қуйидаги ҳолатлар ҳисобга олинади:

- а) пенсия ёшига яқинлашиб қолганлик (аёллар 53 ёш, эркаклар 58 ёш);
- б) фарзанди олий ўқув юртида тўлов-контракт асосида таҳсил олаётган ходимлар;
- в) 16 ёшга тўлмаган ногирон фарзанди бор ходимлар;
- г) ўн тўрт ёшга тўлмаган икки ёки ундан ортиқ болани (ўн олти ёшга тўлмаган ногиронлиги бўлган болани) тарбияляётган ёлғиз ота ёки она, ота-онанинг ўрнини босувчи шахслар;
- е) янги қурилган уйлар учун ипотека кредитини тўляётган 30 ёшгача бўлган ходимлар;
- ж) яқка ёлғиз, фарзанди йўқ аёллар;

**27.** Ходим мажбурий тиббий кўрикдан ўтишдан бўйин товлаган ёки ўтказилган текширишлар натижалари бўйича тиббий комиссиялар томонидан берилган тавсияларни бажармаган, шунингдек карантинли ва одам учун хавфли бўлган бошқа юқумли касалликлар тарқалиши таҳдиди мавжуд бўлган тақдирда Ўзбекистон Республикаси Бош давлат санитария врачининг қарори асосида қонунчиликда белгиланган тартибда жорий этиладиган профилактик эмлашдан ўтишни рад этган тақдирда (соғлиғининг ҳолатига кўра қарши кўрсатма мавжуд бўлмаганда) иш берувчи уни ишга қўймасликка ҳақли.

“Таълим” тўғрисидаги Қонуннинг 46-моддасига ва университетнинг локал ҳужжатларига биноан педагог ходимлар тиббий кўрикдан ўз вақтида ўтишлари лозим.

**28.** Ходимнинг вақтинча бошқа ишга ўтказиш ҳақидаги илтимоси, агар бу илтимос узрли сабаблар туфайли келиб чиққан ва бундай иш Университетда мавжуд бўлса, иш берувчи томонидан қаноатлантирилиши керак.

**29.** Ходимнинг ташаббуси билан бошқа ишга ўтказиш муддати ходим ва иш берувчи ўртасидаги келишувга биноан белгиланади. Бунда меҳнат ҳақи амалда бажарилаётган ишга қараб (ёки аввалги ўртача иш ҳақидан кам бўлмаган миқдорда) тўланади.

**30.** Ходимнинг ташаббуси билан вақтинча бошқа ишга ўтказиш учун узрли сабаблар деб қуйидагилар ҳисобланади:

- бетоб ёки ногирон оила аъзосини парваришlash зарурияти;
- молиявий қийинчиликлар;
- икки ёшгача фарзанди бор аёллар;
- аввалги иш жойида ходимнинг ҳаёти ёки соғлиғига таҳдид солувчи омиллар вужудга келиши.

**31.** Ишлаб чиқариш зарурияти ёки бекор туриб қолиш муносабати билан ректор ташаббусига кўра ходимни унинг розилигисиз вақтинча бошқа ишга ўтказишга йўл қўйилади (МК.145-модда).

**32.** Университетдаги капитал таъмир, карантин эълон қилиниши (турли юқумли касалликларнинг юқиш ҳавфи ошиши), ўқитувчига ишлаши учун шароит йўқлиги ёки бошқа объектив сабабларга кўра ходимнинг айбисиз ишнинг вақтинча тўхтатилиши **БЕКОР ТУРИБ ҚОЛИШ** деб ҳисобланади. Бу ҳолатда ходимларга **мажбурий иш ҳақи сақланмаган таътил** берилишига йўл қўйилмайди ва Меҳнат кодексининг 266-моддасига кўра ўртача иш ҳақи тўланади.

**33.** Иш берувчининг ташаббуси билан тарафларнинг келишувига кўра ходимни вақтинча бошқа ишга ўтказиш учун ишлаб чиқариш зарурияти деб қуйидаги ҳолатларда бажарилиши лозим бўлган тезкор ва кечиктириб бўлмайдиган ишлар ҳисобланиши мумкин:

- бошқа ходимнинг ишда вақтинчалик ҳозир бўлмаган даврида (ўқув сессиясига, меҳнат таътилига, бола парваришlash таътилига ва ҳақ тўланмайдиган таътилга кетиши, вақтинчалик меҳнатга лаёқатсизлиги сабабли);
- табиий ва техноген тусдаги авариялар, бахтсиз ходиса, табиий офат ва бошқа фавқулодда ҳодисаларнинг олдини олиш зарурияти юзага келганда.
- такомиллаштиришлар натижасида вақтинчалик иш тўхтаганда.

**34.** Ходимни бошқа ишга ўтказиш Меҳнат Кодексининг 138, 139, 140, 141, 142, 143 ва 144-моддалари талаблари асосида амалга оширилади.

Ходимнинг вақтинча бошқа ишга ўтказиш ҳақидаги илтимоси, агар бу илтимос узрли сабаблар туфайли келиб чиққан ва бундай иш университетда мавжуд бўлса, Ўзбекистон Республикаси Меҳнат кодексининг 142-моддасида назарда тутилган ҳоллардан ташқари яна қуйидаги ҳолларда Иш берувчи томонидан қаноатлантирилиши керак:

- ишнинг таълим билан қўшиб олиб борилиши;
- бетоб ёки ногиронлиги бўлган оила аъзосини парваришlash зарурияти (сурункали касалликлари кучайган даврда);
- 3 ёшгача фарзанди бор аёллар;

Ходимнинг ташаббуси билан вақтинча бошқа ишга ўтказилганда меҳнатга ҳақ тўлаш дастлабки икки ҳафта давомида аввалги иш жойидаги миқдорда, кейинчалик эса - бажарилаётган ишига мувофиқ амалга оширилади.

Бундай ўтказишнинг муддати тарафларнинг келишувига биноан белгиланади.

**35. Иш берувчи** камида икки ой олдин **Касаба уюшмаси қўмитасига** ходимлар оммавий равишда ишдан бўшатилиши мумкинлиги ҳақида ахборот тақдим этади ва ишдан бўшатиш оқибатларини юмшатишга қаратилган маслаҳатлашувлар ўтказди.

**Касаба уюшмаси қўмитаси** иш берувчининг ходимларни оммавий равишда ишдан бўшатилиш ҳақидаги қарорини олти ойгача бўлган муддатга тўхтатиб туриш тўғрисидаги таклифни маҳаллий давлат ҳокимияти органларига кўриб чиқиш учун киритиш ҳуқуқига эга.

**Университетда** рўйхатдаги ходимлар ўртача сонининг 10 ва ундан ортиқ фоизи ишдан бўшатилиши ходимларни оммавий равишда ишдан бўшатиш деб ҳисобланади (Ўзбекистон Республикаси “Аҳоли бандлиги тўғрисида”ги Қонунининг 18-моддасига биноан, ходимларининг умумий сони 100 кишидан ортиқ бўлган ташкилотлардан рўйхатдаги ходимлар ўртача сонининг 10 ва ундан ортиқ фоизи ишдан бўшатилиши ходимларни оммавий равишда ишдан бўшатиш деб ҳисобланади).

**36. Ходимлар** сони қисқартирилаётганда қисқартириш оқибатларини юмшатишга қаратилган чоралар қуйидагилардан иборат бўлади:

а) ўриндошликни, вақтинча ишлайдиган ходимлар сонини чеклаш, бир неча касбда ишлашни таъқиқлаш, фуқаролик - ҳуқуқий шартномалар бўйича бажариладиган ишларни жамоанинг ўзига бериш;

б) ходимларнинг хоҳишига кўра уларга иш ҳақи сақланмаган ёки иш ҳақи қисман сақланган ҳолда қисқа муддатли таътиллار бериш;

в) қисқартириш тўғрисидаги огоҳлантириш амал қилаётган даврда ходимнинг ўз хоҳиши билан меҳнат шартномасини бекор қилинишини томонлар келишувига биноан огоҳлантириш муддатига мувофиқ келадиган пуллик компенсация тўлаш билан амалга ошириш;

г) бўшатиб олинаётган ходимларнинг малакасини ўзгартириш ва бошқа касбга ўргатиш учун бандликка кўмаклашиш Маркази билан шартнома тузиш ва қайта ўқитиш ва қайта тайёрлаш ишларини амалга ошириш;

д) ходимга огоҳлантириш муддати ичида, бундан меҳнатга оид муносабатларни унинг айбли ҳаракатлари (ҳаракатсизлиги) муносабати билан тугатиш тўғрисидаги огоҳлантириш мустасно, ходимга бошқа иш қидириш учун ҳафтада камида бир кун шу вақт учун иш ҳақи сақланган ҳолда ишга чиқмаслик ҳуқуқини бериш мажбуриятини олади.

**37. Технологиянинг, ишлаб чиқариш ва меҳнатни ташкил этишнинг ўзгаришига, ишлар (маҳсулот, хизматлар) ҳажмининг қисқаришига боғлиқ бўлган ташкилот (унинг алоҳида бўлинмаси), якка тартибдаги тадбиркор ходимларининг сони (штати) ўзгарганлиги муносабати билан меҳнат шартномаси бекор қилинганда ишда қолдиришга доир имтиёзли ҳуқуқ**

**38. Меҳнат кодексининг 167-моддасига асосан технологиянинг, ишлаб чиқариш ва меҳнатни ташкил этишнинг ўзгаришига, ишлар (маҳсулот, хизматлар) ҳажмининг қисқаришига боғлиқ ҳолда университет ходимларининг сони (штати) ўзгарганлиги муносабати билан меҳнат шартномаси МК 161-моддаси иккинчи қисмининг 2-банди бўйича бекор қилинганда ишда қолдиришга доир имтиёзли ҳуқуқ малакаси ва меҳнат унумдорлиги юқорироқ бўлган ходимларга берилади. Малакаси ва меҳнат унумдорлиги бир хил бўлган тақдирда қуйидагиларга афзаллик берилади:**

қарамоғида икки ёки ундан ортиқ киши бўлган ходимларга;

оиласида мустақил иш ҳақи олувчи бошқа ходимлар мавжуд бўлмаган шахсларга;

мазкур иш берувчидаги узоқ муддатли иш стажига эга бўлган ходимларга;

ишлаб чиқаришдан ажралмаган ҳолда олий ва ўрта махсус, профессионал таълим ташкилотларида меҳнат шартномасига кўра тегишли мутахассислик бўйича ўз

малакасини ошираётган ходимларга ҳамда ишлаб чиқаришдан ажралган ҳолда олий ва ўрта махсус, профессионал таълим ташкилотларини тамомлаган шахсларга ўқишни тамомлаганидан кейин мутахассислиги бўйича ишлаш шарти билан уч йил мобайнида; ушбу ташкилотда меҳнатда майиб бўлган ёки касб касаллигига учраган шахсларга;

ногиронлиги бўлган шахсларга; 1941–1945 йиллардаги уруш қатнашчиларига ва имтиёзлар бўйича уларга тенглаштирилган шахсларга;

меҳнатдаги ютуқлари учун рағбатлантиришларга эга бўлган ва интизомий жазоларга эга бўлмаган ходимларга;

атом объектларидаги авариялар оқибатида келиб чиққан юқори радиациявий нурланиш билан боғлиқ бўлган нурланиш касаллигига ва бошқа касалликларга йўлиққан ёки шундай касалликларни бошидан кечирган шахсларга;

ўзига нисбатан бошланган ногиронлигининг атом объектларидаги авариялар билан боғлиқлиги аниқланган ногиронлиги бўлган шахсларга;

ушбу авариялар ва ҳалокатлар оқибатларини бартараф этиш иштирокчиларига, шунингдек мазкур объектлардан эвакуация қилинган ёки кўчирилган шахсларга ҳамда уларга тенглаштирилган бошқа шахсларга.

Малака ва меҳнат унумдорлиги тенг бўлган тақдирда, ҳисобга олинадиган аксарият ҳолатлар сони бўйича афзалликка эга бўлган ходим ишда қолишга доир имтиёзли ҳуқуқдан фойдаланади. Бу ҳолатларнинг Меҳнат кодексининг 167-моддаси иккинчи қисмида санаб ўтилган кетма-кетлиги аҳамиятга эга эмас.

Жамоа шартномасида мавжуд бўлган тақдирда ходимларни ишда қолдиришда афзаллик бериладиган бошқа ҳолатлар ҳам назарда тутилиши мумкин.

Юқоридаги ҳолатлар, агар ходимлар тенг малакага ва меҳнат унумдорлигига эга бўлса ҳамда Меҳнат кодексининг 167-моддаси биринчи ва иккинчи қисмларига мувофиқ ишда қолдиришда бир-бирининг олдида афзалликларга эга бўлмаса, у ҳолда ходимларни ишда қолдиришда афзаллик бериладиган қуйидаги ҳолатлар инobatга олинади:

а) пенсия ёшига яқинлашиб қолганлик (аёллар 53 ёш, эркаклар 58 ёш);

б) оғир бетоб ёки ногиронлиги бўлган оила аъзосини парваришлаётганлиги.

**39. Касаба уюшмаси қўмитаси Университетда** бандликни таъминлаш, ишдан озод этилаётган ходимларни ҳимоя қилиш масалаларини, шунингдек ходимларнинг ижтимоий-иқтисодий ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилишга доир бошқа масалаларни ҳал қилишда иштирок этиш ҳуқуқига эга (Ўзбекистон Республикаси «Касаба уюшмалари тўғрисида»ги Қонунининг 27-моддаси; Меҳнат кодексининг 42, 43, 44 ва 45-моддалари).

**40. Иш берувчи Университетда** ходимларини мажбурий меҳнатга, жумладан, ҳудудларни ободонлаштириш, қишлоқ хўжалигидаги турли ишлар, шунингдек газета ва журналларга мажбурий обуна қилишга жалб қилмайди.

**41. Касаба уюшмаси қўмитаси Университет** ходимларини мажбурий меҳнатга, жумладан, ҳудудларни ободонлаштириш, қишлоқ хўжалигидаги турли ишлар, шунингдек газета ва журналларга мажбурий обуна қилишга жалб қилинишининг олдини олиш юзасидан жамоатчилик назоратини олиб боради.

**42. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2021 йил 20 майдаги** “Хорижий тилларни ўрганишни оммалаштиришни самарали ташкил этиш чоратадбирлари тўғрисида”ги 312-сонли қарорига асосан университетда фаолият юритаётган барча хорижий тиллар ўқитувчилари камида С1 даражадаги миллий ёки унга тенглаштирилган мос даражадаги халқаро сертификатга эга бўлишлари ҳамда тегишли сертификатнинг муддати тугаш арафасида уни янгилаши лозим. Хорижий тиллар ўқитувчиларининг камида С1 даражадаги миллий ёки унга тенглаштирилган

мос даражадаги халқаро сертификат муддати кейинги танлов муддатидан олдин тугаса, сертификат муддати тугаган кундан иш берувчи ўз ташаббуси билан меҳнат шартномасини бекор қилиш ҳуқуқига эга бўлади.

**43.** Меҳнат шартномаси бекор қилинганда ходим билан МКнинг 172-моддасида белгиланган тартибда ҳисоб-китоб қилиниши керак. Бунда ходимга тегишли бўлган суммаларнинг миқдорлари тўғрисида низо чиққан тақдирда, иш берувчи унга шакл-шубҳасиз тегадиган суммани ушбу модданинг учинчи қисмида кўрсатилган муддатда тўлаши шарт. Ишдан бўшатиш нафақаси ходим билан меҳнат шартномаси алоҳида асосларга кўра бекор қилинганда ходимнинг ишдан маҳрум бўлиши оқибатларини юмшатиш мақсадида амалга ошириладиган, қонунчиликда, меҳнат ҳақидаги бошқа ҳуқуқий ҳужжатларда, меҳнат шартномасида назарда тутилган бир йўла бериладиган пулли тўловдир. Меҳнат шартномаси бекор қилинганда Меҳнат Кодексининг 173-моддасида белгиланган ҳолларда ишдан бўшатиш нафақаси тўланади. Ишдан бўшатиш нафақасининг миқдори мазкур иш берувчидаги иш стажига боғлиқ бўлади ва у:

уч йилгача иш стажига эга бўлган ходимлар учун — ўртача ойлик иш ҳақининг эллик фоизидан;

уч йилдан беш йилгача иш стажига эга бўлган ходимлар учун — ўртача ойлик иш ҳақининг етмиш беш фоизидан;

беш йилдан ўн йилгача иш стажига эга бўлган ходимлар учун — ўртача ойлик иш ҳақининг юз фоизидан;

ўн йилдан ўн беш йилгача иш стажига эга бўлган ходимлар учун — ўртача ойлик иш ҳақининг бир юз эллик фоизидан;

ўн беш йилдан ортиқ иш стажига эга бўлган ходимлар учун — ўртача ойлик иш ҳақининг икки юз фоизидан кам бўлиши мумкин эмас.

Ходимнинг айбли ҳаракатлари (ҳаракатсизлиги) билан боғлиқ бўлган асосларга кўра ходимлар билан меҳнат шартномаси бекор қилинган жамоа шартномасида, ички ҳужжатларда, меҳнат шартномасида ходимларга ишдан бўшатиш нафақаларини, компенсацияларни тўлаш ва (ёки) уларга ҳар қандай шаклда бирор-бир бошқа тўловларни тайинлаш назарда тутилиши мумкин эмас.

#### **IV. ИШ ВАҚТИ ВА ДАМ ОЛИШ ВАҚТИ**

**44.** Университет ходимлари учун иш вақти ҳафтасига 5 (беш) кунлик режимда бўлиб, ҳар кунги иш вақтининг бошланиши ва тугаши қуйидагича белгиланади:

маъмурий бошқарув ва ёрдамчи ходимлар учун - соат 9.00 дан 18.00 гача;

факультет бошқарув ва ўқув ёрдамчи ходимлар учун - соат 8.30 дан 17.30 гача;

тозалик ва санитар-гигиеник ҳолатни таъминловчи техник ҳамда хўжалик бўлими ишчи-ходимлари учун - 7.00 дан 16.00 гача, бошқа тоифадаги техник ҳамда хўжалик бўлими ишчи-ходимлари учун - 8.00 дан 17.00 гача.

Ахборот-ресурс маркази, Талабалар турар жойлари, лабораториялар, амалиёт базалари ва бошқа специфик хусусиятга эга бўлимларнинг айрим ишчи-ходимлари 5 (беш) кунлик иш графиги асосида тасдиқланган жадвал бўйича шанба ва якшанба кунлари ишлашлари ташкил этилади. Бунда ходимлар ишлаган кунлари учун иш кунлари давомида дам олишлари кўзда тутилади.

Педагоглар учун иш вақтининг давомийлиги ҳафтасига кўпи билан ўттиз олти соат қилиб белгиланади (МК 184-модда). Профессор-ўқитувчиларнинг иш вақти жамлаб ҳисобланадиган иш вақти режимида белгиланади.

**45.** Айрим тоифадаги ходимлар учун уларнинг ёши, соғлиғининг ҳолати, меҳнат шартлари, меҳнат вазифаларининг ўзига хос хусусиятлари ва бошқа ҳолатлар ҳисобга

олинган ҳолда қонунчиликка ҳамда меҳнат ҳақидаги бошқа ҳуқуқий ҳужжатларга, шунингдек меҳнат шартномаси шартларига мувофиқ меҳнатга тўланадиган ҳақни камайтирмасдан иш вақтининг қисқартирилган давомийлиги белгиланади. Иш вақтининг қисқартирилган давомийлиги қуйидагиларга мажбурий тартибда белгиланади:

ўн саккиз ёшга тўлмаган ходимларга; (415-модда)

I ва II гуруҳ ногиронлиги бўлган ходимларга;

ноқулай меҳнат шароитларидаги ишларда банд бўлган ходимларга; (427-модда)

иши юқори даражадаги руҳий, ақлий, асабий зўриқиш билан боғлиқ бўлган педагог ходимларга ва бошқа тоифадаги ходимларга;

уч ёшгача бўлган боланинг университетда ишлайдиган ота-онасидан бирига (васийсига).

Иши юқори даражадаги руҳий, ақлий ва асабий зўриқиш билан боғлиқ бўлган, яъни алоҳида хусусиятга эга бўлган педагоглар ва бошқа тоифадаги ходимлар учун иш вақтининг давомийлиги ҳафтасига кўпи билан ўттиз олти соат қилиб белгиланади. Бундай ходимларнинг рўйхати ва улар иш вақтининг аниқ давомийлиги Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгиланади, бироқ ушбу моддада белгиланган иш вақтининг давомийлигидан ошмайдиган тарзда белгиланади.

**46.** Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги ва Молия вазирлигининг 2017 йил 6 февралдаги 1-2017, 4-к/қ, 13-сон қарорига мувофиқ, қоровуллар ҳамда мавсумий ишчилар учун иш вақти смена шаклида суткасига ўн икки соатдан ошмаган ҳолда ташкил қилинади. Сменада ишлаш бўйича график шакллантирилиб, ходимлар билан таништирилади ва иш берувчи томонидан тасдиқланади. График асосида табел расмийлаштирилиши лозим.

**47.** Йилнинг совуқ фаслларида очик жойларда ёки иситилмайдиган ёпиқ хоналарда меҳнат қилувчилар учун **Иш берувчи** томонидан **Университетнинг** ички меҳнат тартиби қоидаларига асосан махсус танаффуслардан фойдаланиш имконияти берилади. Бунинг учун иш бажариладиган жойда махсус иситиладиган хона ажратилади. Ушбу танаффуслар ҳақ тўланадиган иш вақтига киритилади. Бундай махсус танаффуслар бериладиган касблар, лавозимлар ва ишлар рўйхати тасдиқланади. Мазкур норма йилнинг иссиқ фаслида очик жойларда меҳнат қилувчи ходимларга ҳам қўлланилади.

**48.** Ишдан ташқари вақтларда ишга жалб этиш фақат ходимнинг розилиги билан амалга оширилади. Бунда иш вақтидан ташқари ишнинг давомийлиги ходим учун сурункасига икки кун давомида тўрт соатдан (меҳнат шароитлари ноқулай бўлган ишларда – бир кунда икки соатдан) ва йилига бир юз йигирма соатдан ошмаслиги керак.

Иш берувчи томонидан ходимни унинг розилигисиз иш вақтидан ташқари ишга жалб этишга қуйидаги ҳолларда йўл қўйилади (Меҳнат кодексининг 189-моддаси):

1) табиий ёки техноген хусусиятга эга ҳалокатларнинг, ишлаб чиқаришдаги аварияларнинг, ишлаб чиқаришдаги бахтсиз ҳодисаларнинг, шунингдек ёнғинларнинг, тошқинларнинг, зилзилаларнинг, эпидемияларнинг ёки эпизоотияларнинг олдини олиш ёки оқибатларини бартараф этиш ҳамда аҳолининг ёхуд унинг бир қисмининг ҳаётига ёки нормал яшаш шароитларига таҳдид соладиган бошқа алоҳида ҳолларда бажарилган ишлар амалга оширилганда;

2) марказлаштирилган иссиқ сув таъминоти, совуқ сув таъминоти ва (ёки) сув чиқариш тизимларининг, газ таъминоти, иссиқлик таъминоти, ёритиш, транспорт, алоқа тизимларининг нормал ишлашини бузадиган кутилмаган ҳолатларни бартараф этишга доир ижтимоий жиҳатдан зарур ишлар амалга оширилганда;

3) агар ишда танаффусга йўл қўйилмаса, смена алмашаётган ходим келмай қолганда ишни давом эттириш учун. Бундай ҳолда иш берувчи зудлик билан сменачини бошқа ходим билан алмаштириш чораларини кўриши шарт.

Ушбу рўйхатнинг 2 ва 3-бандларида назарда тутилган ҳолларда иш берувчи томонидан ходимни иш вақтидан ташқари ишга жалб этишга ходимнинг меҳнат вазифаси доирасида йўл қўйилади.

**49.** Табиий ва техноген тусдаги авариялар, бахтсиз ходиса, табиий офат, ва бошқа фавқулотда ходисаларнинг олдини олиш, ўқув йили бошланиши олдида (фақат функционал вазифалари билан боғлиқ ишларга) ҳамда қисқа муддатда катта хажмдаги ишни бажариш зарурияти юзага келганда ходимларни кечки вақтларда, дам олиш ва байрам кунлари ходимнинг розилиги билан ишга жалб этиш мумкин.

**50.** ЎзР МКнинг 263-моддасига асосан ишланмайдиган байрам ва дам олиш кунлари ишлаганлиги учун ходимларга камида 2 хисса миқдорида ҳақ тўланади ёки ходимнинг хоҳишига кўра бошқа дам олиш кунини бериш ва бир хисса миқдорида ҳақ тўлаш орқали компенсация қилиниши мумкин.

**51.** Табиий ёки техноген хусусиятга эга ҳалокатлар, техник носозликлар натижасидаги авариялар, иш жойидаги бахтсиз ходисалар, шунингдек Аномал совуқ ёки иссиқ, ёнғинлар, тошқинлар, zilzilalar, эпидемиялар ёки эпизоотиялар рўй берган тақдирда ҳамда аҳолининг ёхуд унинг бир қисмининг ҳаётига ёки нормал яшаш шароитларига таҳдид соладиган бошқа алоҳида ҳолларда иш берувчининг ташаббуси билан ходимнинг розилигисиз унинг вақтинча масофадан туриб ишлашга ўтишига ёки ўтказилишига йўл қўйилади (МК.454 - модда).

Меҳнат кодексининг 458-моддаси биринчи қисмида белгиланганидан ташқари профессор-ўқитувчилар ва педагог ходимлар ҳам таълим сифатини таъминлаш мақсадида вақтинча масофадан туриб ишлашга ўтиш ёки ўтказиш учун устувор ҳуқуққа эга бўладилар.

**52.** Ходим ўзининг меҳнат фаолияти билан бевосита боғлиқ бўлган қабул қилинаётган ички ҳужжатлар, иш берувчининг буйруқлари, билдиришномалари, талаблари ва бошқа ҳужжатлари билан ёзма шаклда, шу жумладан имзо қўйдириб таништирилиши керак бўлган ҳолларда, масофадан туриб ишловчи ходим улар билан иш берувчи ва масофадан туриб ишловчи ходим ўртасидаги электрон ҳужжат алмашинуви орқали таништирилиши мумкин (МК.460-модда).

**53.** Агар масофадан туриб ишловчи ходим меҳнат тўғрисидаги қонунчиликка, меҳнат ҳақидаги бошқа ҳуқуқий ҳужжатларга ёки меҳнат шартномасига мувофиқ давомийлиги узокроқ бўлган ҳар йилги меҳнат таътилига чиқиш ҳуқуқига эга бўлмаса, унинг ҳар йилги меҳнат таътилининг давомийлиги йигирма бир календарь кундан кам бўлиши мумкин эмас (МК.462-модда).

**54.** Ҳар йилги асосий энг кам меҳнат таътилининг давомийлиги йигирма бир календарь кунни ташкил этади (МК.217-модда).

**55.** Ўзбекистон Республикаси Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги ҳамда Ўзбекистон таълим ва фан ходимлари касаба уюшмаси Республика кенгаши ўртасида 2023-2025 йиллар учун тузилган тармоқ келишуви ҳамда **таътиллари жадвалига** мувофиқ Университет профессор-ўқитувчи ва ходимларига асосий ва қўшимча таътил берилади (**2-илова**).

**56.** Ходимларга биринчи иш йилида йиллик таътил уларнинг мазкур ташкилотга ишга кирган вақтидан қатъий назар ҳақиқий ишлаган вақтига мутаносиб равишда ҳақ тўлаган ҳолда ёзги таътил даврида тўлиқ берилади. Таътил ҳар йили, шу таътил берилаётган иш йили тугагунга қадар берилиши лозим. Ишлаб чиқариш тусидаги сабабларга кўра жорий йилда таътилни тўлиқ бериш имкони бўлмаган алоҳида ҳолларда, ходимнинг розилиги билан таътилнинг ўн икки иш кунидан ортиқ бўлган

қисми кейинги иш йилига кўчирилиши мумкин, шу йили ундан албатта фойдаланилмоғи лозим. Йиллик асосий таътил иккинчи ва ундан кейинги иш йиллари учун таътиллار жадвалига мувофиқ иш йилининг исталган вақтида берилади.

**57.** Биринчи иш йили учун ҳар йилги меҳнат таътилидан фойдаланиш ҳуқуқи ходимда у ушбу иш берувчида узлуксиз ишлаган олти ой ўтганидан кейин юзага келади. Олти ойдан кам ишлаган ўриндошларга биринчи иш йили учун ҳар йилги меҳнат таътили уларнинг хоҳишига кўра асосий иш бўйича ҳар йилги меҳнат таътили билан бир вақтда ўриндошлик асосида ишдаги таътил учун ишлаб берилган вақтга мутаносиб равишда ҳақ тўланган ҳолда берилади. Олти ой ва ундан ортиқ ишлаган ўриндошларга биринчи иш йили учун ўриндошлик асосидаги ишда бериладиган ҳар йилги меҳнат таътилига, шунингдек иккинчи ва кейинги иш йиллари учун ушбу тоифадаги ходимларнинг меҳнат таътилига, ушбу таътил иш йили давомида қайси вақтда берилишидан қатъи назар, тўлиқ ҳақ тўланади.

Таълим ташкилотларда ўриндош педагогларга таътил бермаслик мақсадида июнь-июль ойларида ишдан бўшатиш ҳолатлари кўп бўлганлиги туфайли, айнан ёзги пайтларда мажбурий ариза ёздиришга йўл қўйган иш берувчи ва унинг вакиллари интизомий жавобгарликка тортиладилар.

Ҳар йилги меҳнат таътили талабаларнинг ёзги таътили даврида бериладиган таълим ташкилотларининг ўқитувчилар таркибига биринчи иш йилидаги ҳар йилги меҳнат таътили ўқувчиларнинг ёзги таътили даврида тўлиқ давомийликда, улар ушбу таълим ташкилотига ишга кирган вақтидан қатъи назар, ишлаб берган вақтига мутаносиб равишда ҳақ тўланган ҳолда берилади. Мазкур тоифадаги ходимларга иккинчи ва кейинги иш йиллари учун бериладиган меҳнат таътилига, ушбу таътил иш йили давомида қайси вақтда берилишидан қатъи назар, тўлиқ ҳақ тўланади (МК. 227-модда).

**58.** Ўзбекистон Республикаси Президентининг ҳар йилги «Расмий саналарни нишонлаш даврида қўшимча ишланмайдиган кунларни белгилаш ва дам олиш кунларини кўчириш тўғрисида»ги Фармонларига биноан қўшимча дам олиш кун(лар)и деб белгиланади.

Қўшимча дам олиш кун(лар)и ҳар йилги меҳнат таътилининг давомийлигини қисқартириш ҳисобига қопланади, ҳар йилги меҳнат таътили даврида сақланадиган ўртача ойлик иш ҳақи миқдорини ҳисоблашда меҳнат таътилининг амалдаги давомийлиги ҳисобга олинади, унга қўшимча дам олиш кун(лар)и ҳам қўшилади.

Ҳар йиллик меҳнат таътилининг давомийлиги қисқартиришни ҳисобга олган ҳолда ҳам йиллик таътил давомийлиги 15 иш кунидан кам бўлмаслиги таъминланади.

**59.** Иш берувчи қуйидаги ҳолларда ходимнинг иш ҳақи сақланган ҳолда таътил бериш ҳақидаги илтимосини қаноатлантиришни ўз зиммасига олади:

- а) яқин қариндоши вафот этганда - 3 кун;
- б) ходим ёки фарзандларининг тўй маросимини ўтказишда - 3 кун;
- в) табиий офатлар юз берганда - 5 кун;
- г) янги турар жойга кўчиб ўтишда - 3 кун;
- д) фарзанди 1-синфга борганда - 2 кун;
- е) фарзанд туғилиши муносабати билан унинг отасига – 3 кун;
- ж) 1 кун вирус инфекциясидан эмланган кун;
- з) республикаимизнинг тарихий обидалари, ёдгорликлари, қадамжорларига зиёратга ва саёҳатларга юборилганда - 3 кун;
- и) ҳомиладор аёлларга йиллик меҳнат таътили бериш имконияти мавжуд бўлмаган тақдирда ҳомиладорлик ва туғиш таътилига чиққунига қадар бир ойгача.

Яқин қариндошлар деб: ходимнинг ота-онаси, ака-укаси, опа-синглиси, фарзанди, турмуш ўртоғи ҳисобланадилар.

Шу каби ижтимоий таътиллار берилган ходимларнинг ўртача ойлик иш ҳақи сақланиб қолади. Шунингдек мазкур таътиллار навбатдаги ҳар йилги меҳнат таътилини олиш ҳуқуқини берадиган иш стажига киритилади (МК. 238-модда).

**60.** Ходимнинг ёзма аризасига кўра унга иш ҳақи сақланмайдиган таътил берилиши мумкин бўлиб, унинг давомийлиги ходим ва иш берувчи ўртасидаги келишувга кўра белгиланади, лекин у иш ҳақи сақланмайдиган охириги таътил берилган кундан эътиборан календарь йил давомида узлуксиз ёки жамланган ҳолда уч ойдан ошмаслиги керак.

Агар қонунчиликда бошқача қоида назарда тутилмаган бўлса, карантин чоралари амалга оширилаётган, фавқулодда ҳолат жорий этилган даврда ва бутун аҳолининг ёки унинг бир қисмининг ҳаётига ёхуд нормал яшаш шароитларига таҳдид солувчи бошқа ҳолларда ходимнинг ёзма аризасига кўра иш ҳақи сақланмайдиган таътилни узлуксиз ёки жамланган давомийлиги кўпайтирилиши, бироқ кўпи билан олти ойгача кўпайтирилиши мумкин (МК.241-модда). Аммо бу ҳолатларда ҳам ходимларга мажбурий ариза ёздиришга йўл қўйилмайди.

Меҳнат кодексининг 242-моддасида кўрсатилгандан ташқари қуйидаги ходимларга ҳар йили иш ҳақи сақланмаган таътил 14 календарь кунгача берилади: а) бетоб оила аъзосини парвариш қилаётган шахсларга; б) 30 ёшгача бўлган ёш оилалар аъзоларига; в) ишлаётган пенсионерларга; г) меҳнат таътили тугаган бўлсада чет эл сафаридан узрли сабабларга кўра қайтиш имкони бўлмаганда; д) ижтимоий аҳамиятга молик касалликлар бўйича рўйхатга олинган ходимларга (ТЖК.72-банд).

**61.** Ҳар йилги қўшимча меҳнат таътилини олиш ҳуқуқини берувчи иш стажига ходимнинг бошқа иш берувчидаги ёхуд бошқа тармокдаги иш стажига ҳам киритилади (МК. 220-модда).

**62.** Меҳнат кодекси 229 - моддасининг биринчи қисмида келтирилган ҳоллардан ташқари илмий - тадқиқот ишларини олиб бораётган ходимлар ҳам ҳар йилги меҳнат таътилини узайтириш ёки бошқа муддатга кўчириш ҳуқуқига эга бўлиши мумкин.

**63.** Ходим иш ҳақи қисман сақланадиган таътилда бўлганида қисман сақланадиган иш ҳақининг миқдори унинг ўртача иш ҳақининг 70 фоизидан кам бўлмаслиги керак. Ҳар йилги меҳнат таътилини олиш ҳуқуқини берадиган иш стажига иш ҳақи қисман сақланадиган таътил вақти қўшилади (МК. 240-модда).

**64.** Ўзбекистон Республикаси Меҳнат кодексининг 228-моддасида кўрсатиб ўтилган ходимлар тоифаларидан ташқари қуйидаги ходимларга меҳнат таътили уларнинг хоҳишига кўра ёзги ёки улар учун қулай бўлган бошқа вақтда берилади:

а) Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1997 йил 20 мартдаги 153-сонли қарорига асосан ижтимоий аҳамиятга молик касаллик бўйича ҳисобда турган ходимларга;

б) бетоб оила аъзосини парваришлаётган ходимларга;

в) тижорат банкларидан ипотека кредитини олган ёш оилалар вакиллари.

**65.** Меҳнат шартномаси бекор қилинганда (шу жумладан унинг муддати тугаши муносабати билан ҳам) ходимнинг хоҳишига кўра, йиллик асосий ва қўшимча таътиллари бериб, ундан кейин меҳнат муносабатларини бекор қилиш мумкин. Бу ҳолда таътил тугаган кун меҳнат шартномаси бекор қилинган кун деб ҳисобланади.

**66.** Навбатдаги меҳнат таътиliga кетаётган ходимга Иш берувчи томонидан соғлигини тиклаш учун қўшимча моддий ёрдам берилади. Таътил учун ҳақ тўлаш таътил бошланмасдан олдинги охириги иш кунидан кечиктирмай амалга оширилади.

**67.** Иш ҳақи сақланмайдиган таътил деганда ходимнинг иш ўрни (лавозими) сақланиб қолган ҳолда ҳақ тўланмайдиган таътил тушунилади. Ходимнинг ёзма

аризасига кўра унга иш ҳақи сақланмайдиган таътил берилиши мумкин бўлиб, унинг давомийлиги ходим ва иш берувчи ўртасидаги келишувга кўра белгиланади, лекин у иш ҳақи сақланмайдиган охириги таътил берилган кундан эътиборан календарь йил давомида узлуксиз ёки жамланган ҳолда **уч ойдан** ошмаслиги керак.

Агар қонунчиликда бошқача қоида назарда тутилмаган бўлса, карантин чоралари амалга оширилаётган, фавқулодда ҳолат жорий этилган даврда ва бутун аҳолининг ёки унинг бир қисмининг ҳаётига ёхуд нормал яшаш шароитларига таҳдид солувчи бошқа ҳолларда ходимнинг ёзма аризасига кўра иш ҳақи сақланмайдиган таътилни узлуксиз ёки жамланган давомийлиги кўпайтирилиши, бироқ кўпи билан олти ойгача кўпайтирилиши мумкин. Ходимнинг талабига кўра иш ҳақи сақланмайдиган таътил Меҳнат Кодексининг 242-моддасида белгиланган ходимларга мажбурий тартибда берилади.

Шунингдек, ходимга иш ҳақи қисман сақланадиган таътил берилиши мумкин.

Қуйидаги ҳолларда иш берувчи ходимнинг илтимосига кўра унга иш ҳақи қисман сақланадиган таътил бериши шарт:

- а) пандемия билан боғлиқ карантин чекловлари амал қилаётган даврда;
- б) меҳнат таътили тугаган бўлсада чет эл сафаридан узрли сабабларга кўра қайтиш имкони бўлмаганда;
- в) авария ҳолатини бартараф этиш учун хонадонида таъмирлаш ишлари олиб борилиши муносабати билан.
- г) илмий-тадқиқот ишларини якунлаб ҳимояга чиқиш арафасида бўлган ходимлар, ижодий таътилдан фойдаланиб бўлган тақдирда.

## **V. МЕҲНАТГА ҲАҚ ТЎЛАШ. КАФОЛАТЛИ ТЎЛОВЛАР ВА КОМПЕНСАЦИЯ ТЎЛОВЛАРИ.**

**68.** Университетда меҳнатга ҳақ тўлаш тизими Ўзбекистон Республикаси Бандлик ва меҳнат муносабатлари ҳамда Олий ва ўрта махсус таълим вазирликларининг “Олий таълим Ташкилотларининг профессор-ўқитувчилар таркиби ва раҳбар ходимлари меҳнатига ҳақ тўлашнинг базавий лавозим маошлари миқдорини тасдиқлаш тўғрисида”ги 2019 йил 31 июлдаги 39-қ/қ, 286/1-сонли қўшма қарори ҳамда Ўзбекистон Республикаси Бандлик ва меҳнат муносабатлари, Олий ва ўрта махсус таълим ҳамда Халқ таълими вазирликларининг 2019 йил 10 апрелдаги 3-2019, 19-ққ ва 15-2019-ққ-сонли “Ўқув машғулотларини ўтказганлик учун меҳнатга соатбай ҳақ тўлаш миқдорларини тасдиқлаш тўғрисида”ги қарори асосида амалга оширилади.

**69.** Иш ҳақини тўлаш муддатлари:

- биринчи ярим ой учун - жорий ойнинг 18 санасигача;
- иккинчи ярим ой учун - кейинги ойнинг 5 санасигача;

Ҳақ тўланадиган кун дам олиш куни ёки байрам кунига тўғри келиб қолса, меҳнат ҳақи шу кун арафасида тўланади.

Иш ҳақи миллий валютада (сўмда) тўланади. Иш ҳақини қарз мажбуриятлари, тилхатлар, купонлар тарзида тўлаш тақиқланади. Меҳнатга натура шаклида ҳақ тўлаш тақиқланади, бундан Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгиланган ҳоллар мустасно.

Ходимнинг ёзма розилиги билан иш ҳақини ёки унинг бир қисмини банк ташкилотлари ёки почта бўлимлари орқали тўлашга йўл қўйилиб, уларнинг хизматлари учун иш берувчининг ҳисобидан ҳақ тўланади.

**70.** Ходимнинг ёзма розилиги билан иш ҳақининг бир қисми ёки тўлиқ ҳажмда унинг пластик карточкасига ўтказиб берилади.

**71.** Ходимга ҳақ тўлаш мазкур **Шартномада** белгиланган муддатларга нисбатан хизмат кўрсатувчи банкнинг айби билан кечиктирилганда - **Иш берувчи** банк раҳбариятига жарима ундириш тўғрисида талабнома киритишни ва ундирилган

жаримани меҳнатга ҳақ тўлашни тартибга солишга йўналтиришни ўз зиммасига олади.

**72.** Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 31 декабрь ПКҚ-4939-сонли Қарорига биноан **Касаба уюшмаси кўмитаси** ходимларнинг меҳнат ҳуқуқларини ҳимоя қилишни таъминлаб, уларнинг малака даражасини ҳисобга олган ҳолда иш ҳақи тўланиши устидан жамоатчилик назоратини ўрнатади.

**73.** Университетда иш ҳақининг ўз вақтида ва тўлиқ берилиши таъминланади. Қарздорлик мавжуд бўлган ҳолларда мутасадди идораларга ёзма мурожаатлар билан чиқилади.

**74.** Иш берувчи меҳнатга ҳақ тўлашга ва меҳнатни меъёрлаштиришга оид локал ҳужжатларни, шунингдек, уларни жорий этиш тартибини касаба уюшмаси кўмитаси билан келишиб олади.

**75. Университетда** энг паст лавозимдаги ходимларнинг Меҳнатга ҳақ тўлаш ягона тариф сеткасининг 1-разряди (тариф коэффициенти - камида 1,000) бўйича тарификация қилиниши таъминланади.

**76.** Университетда оширилган миқдордаги меҳнат ҳақи, устамалар, қўшимча тўловлар ва компенсацияларнинг қуйидаги турлари ва миқдорлари ўрнатилади:

- тунги вақтдаги иш учун бир ярим баравар ҳақ тўланади;

- иш вақтидан ташқари ишлар, дам олиш ва байрам кунларидаги иш учун - икки баравар миқдорда ҳақ тўланади;

- ходимларга бир неча касб ва лавозим асосида ишлаганлик, хизмат кўрсатиш зонасини кенгайтирганлик, ишлар ҳажмини кўпайтирганлик учун қўшимча ҳақ тўлаш миқдори меҳнат шартномаси томонларининг келишуви бўйича белгиланади, лекин лавозим маоши (тариф ставкаси)нинг 50% дан кам бўлмаслиги керак. (ЎЗР ВМнинг 2012 йил 18 октябрдаги 297-сон билан тасдиқланган “Ўриндошлик асосида ҳамда бир неча касбда ва лавозимда ишлаш тартиби тўғрисидаги низом” қоидалари бажарилади);

- Ўзбекистон Республикасидан ташқаридаги хизмат сафарлари учун тўланадиган компенсациялар (ЎЗР АВда 19.11.2015 йилда 2730-сон билан рўйхатга олинган) “Вазирликлар, идоралар, Ташкилотлар ва ташкилотлар ходимлари Ўзбекистон Республикаси ташқарисига хизмат сафарига юборилганда хизмат сафари харажатлари учун маблағлар бериш тартиби тўғрисидаги Низом”га биноан амалга оширилади. Бунда хизмат сафарлари муддати университет раҳбарияти томонидан белгиланади ва 40 кундан ошмаслиги керак. 40 кундан ошган узоқ муддатли хизмат сафарлари, истисно тариқасида, ходимнинг иш жойи сақланган ҳолда ва хизмат сафарига юбораётган раҳбарининг ёзма рухсатномасига асосан амалга оширилади;

- иш жараёнида зарарсизлантириш воситаларидан фойдаланганлиги учун хожатхона фаррошларининг лавозим маошларига 10 фоиз миқдорида компенсация.

- Ўзбекистон Республикаси ичидаги хизмат сафарлари Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2022 йил 2 августдаги 424-сонли Қарори билан тасдиқланган “Ўзбекистон Республикаси ҳудудида хизмат сафарлари тўғрисидаги Низом” билан тартибга солинади ва ходим хизмат сафарига юборилган тақдирда иш берувчи ходимга қуйидагиларни қоплаши шарт:

- а) кундалик харажатлар учун ҳақ базавий ҳисоблаш миқдорининг бир баробаридан кам бўлмаган миқдорда белгиланади;

- б) меҳмонхона харажатларининг бир кунлик қоплаш миқдори базавий ҳисоблаш миқдорининг икки баробаридан ошмаслиги лозим;

- в) турар жойда яшаганлиги бўйича харажатларни тасдиқловчи ҳужжатлар мавжуд бўлмаган ҳолларда ҳар бир сутка учун белгиланган базавий ҳисоблаш миқдорининг 70 фоизи миқдорида қопланади;

- Ўзбекистон Республикасида ўрнатилган базавий ҳисоблаш миқдорининг 35 фоизи миқдорида суткалик харажатлар.

**77. Иш берувчининг** кўрсатмасига биноан **Иш берувчи** ва меҳнат жамоаси манфаатларига доир вазифаларни бажариш чоғида (малака ошириш, шу жумладан ихтисослаштиришга ўқиш, рационализаторлик таклифларини жорий этиш ишида қатнашиш, хизмат сафарида бўлиш, тиббий кўрикдан ўтиш, навбатчилик, дарслар ўтказиш, турли тадбирларда иштирок этиш ва бошқа ҳолларда) ходим ўз асосий ишидан озод этилади.

Агарда юқорида кўрсатилган тадбирлар иш вақтида ўтказилса, бу ҳолда ходимнинг ўртача иш ҳақи сақланиб қолинади, мазкур тадбирлар ишдан ташқари вақтда ўтказилса, ходимга сарф қилинган вақтига мутаносиб икки ҳисса ҳақ ёки қўшимча дам олиш вақти берилади.

**78. Ходим Иш берувчи** ва меҳнат жамоаси манфаатларига доир вазифаларни бажараётганда **Университет** бўйича тариф ставкалари ва лавозим маошлари миқдори оширилса, у ҳолда ходимга меҳнат ҳақи ана шу даврдаги барча иш кунлари учун янги тариф бўйича қайта ҳисоблаб чиқилиб тўланади.

**79. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг** 2020 йил 26 августдаги 517-сон қарори билан тасдиқланган “Республика олий таълим Ташкилотларининг профессор-ўқитувчилари ва бошқа тоифадаги ходимларини бюджетдан ташқари маблағлар ҳисобидан моддий рағбатлантириш тартиби тўғрисида”ги Низомга мувофиқ университет профессор-ўқитувчилари ва бошқа тоифадаги ходимлари бюджетдан ташқари маблағлар ҳисобидан моддий рағбатлантирилади.

Университетда ўриндошлик асосида ишловчилар меҳнатига ҳақ тўлаш шакллари ва тизимлари, мукофотлар, қўшимча ҳақ, устамалар, рағбатлантирувчи тўловлар тўлаш мазкур иш ўзи учун асосий иш бўлган ходимларга белгиланган тартибда амалга оширилади (МК. 438-модда).

**80. Университетда Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги** томонидан 2019 йил 23 январда 3130-сон билан рўйхатдан ўтказилган “Автомобиль транспорти ҳайдовчилари меҳнатига ҳақ тўлашнинг умумий шартлари тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида”ги қарорга мувофиқ ҳайдовчиларга меҳнатга ҳақ тўлашнинг энг кам миқдорини 3 баробари миқдорида устама ҳақ белгиланади.

**81. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг** 2019 йил 24 декабрдаги 1030-сонли “Илм-фан ва таълим соҳасидаги давлат ташкилотларида илмий, илмий-педагогик ва меҳнат фаолияти билан шуғулланувчи илмий даражага эга ходимларга қўшимча ҳақ тўлаш тартиби тўғрисида”ги Низомга мувофиқ илмий даражага эга бўлган педагог ходимларга қўшимча ҳақ тўланади.

Касаба уюшма қўмитасининг аппарати ходимларига ҳам 1030-сонли Низомга асосан Касаба уюшма қўмитаси маблағлари ҳисобидан илмий даража учун қўшимча ҳақ тўланиши мумкин. Бунда ҳақ тўлаш шартлари юқори касаба уюшма ташкилоти билан келишилган ҳолда Қўмита ёки Раёсат қарорлари билан белгиланади.

**82. Университетда** амалиёт ўтувчи талабаларнинг ва профессионал таълим ташкилотлари ўқувчиларининг меҳнатига ҳақ тўлаш Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2009 йил 11 февралдаги 40-сонли Қарори билан тасдиқланган “Касб-хунар коллежлари ўқувчиларининг корхона, ташкилот, ташкилотларда ишлаб чиқариш амалиётини ўташ тартиби тўғрисидаги Низом”га биноан амалга оширилади.

**83. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг** “Меҳнат бозорида меҳнат муносабатларини тартибга солишга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида” 2019 йил 6 сентябрдаги 743-сонли қарорининг 1-иловасига асосан йиллик устама ва йиллик қўшимча таътиллар берилади. Шунингдек, ташкилот ходимларининг айрим тоифалари меҳнатига ҳақ тўлашда мазкур қарорнинг 4-иловасида келирилган ягона тариф сеткаси бўйича разрядлар инобатга олинади.

**84.** Халқаро меҳнат ташкилотининг “Тенг аҳамиятли меҳнат учун эркак ва аёл меҳнаткашларга тенг ҳақ тўлаш тўғрисида”ги 100-сонли Конвенциясига биноан эркаклар ва аёллар томонидан турли шароитларда, турли кўникма ва малака билан, турли кўринишдаги, жавобгарлиги бир-бирига боғлиқ бўлмаган, лекин бир хил қийматга эга бўлган ишлар тенг миқдорда рағбатлантирилади.

**85.** Иш берувчи ходимларга узоқ муддат касалликлари давомида ёки сурункали касалликларини даволашлари учун моддий ёрдам кўрсатилиши мумкин. Шунингдек, ходим учун соғломлаштириш чора - тадбирларини амалга ошириш, шу жумладан ташкилот томонидан ходимларнинг жарроҳлик операцияларига, стационарда даволаниши ҳамда дори - дармонларига сарф қилган харажатлари қоплаб берилиши мумкин.

**86.** Университет томонидан ташкил қилинаётган тадбирлар, танловлар ва бошқа байрам тадбирларида иштирок этган профессор-ўқитувчилар, ишчи-ходимлар ва талабаларнинг кунлик овқатланиш ва бошқа харажатлари университетнинг бюджетдан ташқари маблағлар ҳисобидан таъминланади.

**87.** Иш берувчи ходимни меҳнат қилиш имкониятидан ғайриқонуний равишда маҳрум этишнинг барча ҳолларида, шу жумладан чет тилларини билиш бўйича сертификати йўқлиги туфайли ишдан четлаштирилса, у олмаган иш ҳақининг ўрнини унга қоплаши шарт (МКнинг 320-моддаси “Иш берувчининг ходимни меҳнат қилиш имкониятидан ғайриқонуний равишда маҳрум қилганлиги натижасида унга етказилган зиённинг ўрнини қоплаш мажбурияти”).

## **VI. МЕҲНАТ ИНТИЗОМИ**

**88.** Тарафлар ходимлар томонидан меҳнат вазифаларининг бажарилиши меҳнат шартномалари, таркибий бўлинмалар тўғрисидаги Низомлар, лавозим йўриқномалари, Университет Устави, Ички меҳнат тартиби қоидалари ҳамда Одоб-ахлоқ қоидаларига биноан таъминланишини назорат қилади.

**89.** Ички интизомни белгиловчи ҳужжатлар ходимларга таништирилиши Иш берувчининг мажбурияти ҳисобланади. Интизом қоидалари билан таништирилмаган ходимга мазкур қоидаларнинг бузилиши важи билан интизомий жазо чоралари қўлланилиши мумкин эмас.

Меҳнат интизомини бузганлик учун интизомий жазоларни қўллашга белгиланган муддатлар (Меҳнат кодексининг 314-моддаси) ўтиб кетгандан кейин йўл қўйилмайди.

Интизомий жазо қўлланилишидан аввал ходимдан ёзма равишда тушунтириш хати талаб қилиниши лозим. Ходимга нисбатан интизомий жазо чорасини қўллаш Касаба уюшмаси қўмитаси билан келишилган ҳолда амалга оширилади.

**90.** Иш берувчи ходимларни Меҳнат кодексининг 299-моддасига асосан:

- фаолият самарадорлиги, эришган муваффақиятлари учун тармоқ ва давлат мукофотларига тақдим этиш;
- юбилей саналарида табриклаш (50 (айрим ҳолларда), 55 (аёллар), 60, 65, 70, 75, 80, 85, 90 ёшга тўлганда);
- қимматбаҳо совғалар билан тақдирлаш;
- ташаккур эълон қилиш;
- фахрий ёрлик билан тақдирлаш;
- турли номинациялар бўйича унвонлар бериш;
- саёҳатларга юбориш билан;
- санаторий-профилаторийга, шунингдек Ўзбекистон Республикасининг санаторийлари ва дам олиш уйларида йўлланмалар тақдим этиш йўли билан

**РАВБАТЛАНТИРИШ**ни ўз зиммасига олади.

Иш ҳақи, мукофотлар, қўшимча тўловлар, устамалар ва меҳнатга ҳақ тўлаш тизимида назарда тутилган бошқа тўловлар рағбатлантириш турлари жумласига кирмайди.

Интизомий жазонинг амал қилиш муддати ичида ходимга нисбатан рағбатлантириш чоралари, шу жумладан меҳнатга ҳақ тўлаш тизимига кирмайдиган ва меҳнат натижаларига асосланмаган мукофотлар ҳам (байрамлар, шу жумладан касб байрамлари, юбилейлар муносабати билан ва ҳоказолар) қўлланилмайди (МК.299 - модда).

Университет касаба уюшмаси қўмитаси интизомий жазога тортилган ходимларга нисбатан тўловлар адолатли тўланишини қатъий назорат қилиши лозим.

**91.** Ходимга нисбатан хизмат текшируви ўтказиш учун иш берувчининг буйруғи билан хизмат текшируви ўтказиш бўйича тузилган комиссия таркибида касаба уюшмаси қўмитаси аъзоси киритилади (МК.304 - модда).

## **VII. МЕҲНАТ ШАРТНОМАСИ ТАРАФЛАРИНИНГ МОДДИЙ ЖАВОБГАРЛИГИ**

**92.** Меҳнат шартномаси тарафларининг моддий жавобгарлиги меҳнат шартномаси тарафининг бошқа тарафга етказилган зиённинг ўрнини қонунчиликда белгиланган тартибда қоплаш мажбуриятини ифодаладиган юридик жавобгарликдир.

**93.** Иш берувчи қуйидаги ҳолларда бир йўла бериладиган нафақа тўлайди:

а) ходимнинг меҳнат вазифаларини бажариш билан боғлиқ ҳолда вафот этиши муносабати билан унинг олти йиллик ўртача иш ҳақидан кам бўлмаган миқдорида (Ўзбекистон Республикаси Меҳнат кодексининг 194-моддасига асосан);

б) ходимнинг меҳнат вазифаларини бажариш билан боғлиқ ҳолда соғлигига шикаст етказилганлиги муносабати билан унинг бир йиллик иш ҳақи миқдорида, қарамоғида беш ва ундан кўп шахс бўлган ходимларга - йиллик иш ҳақининг 1,5 баравари миқдорида.

**94.** Иш берувчига зарар етказилган чоғдаги аниқ ҳолатларни ҳисобга олиб, айбдор ходимдан зарарни ундиришдан қисман ёки тўлиқ воз кечишга ҳақли. Бундай ҳолда етказилган зарар Университет фойдаси ҳисобидан қопланади.

**95.** Бевосита пул ёки товар-моддий бойликлари билан муомала қилаётган ходимлар махсус ёзма шартнома асосида уларга ишониб топширилган моддий бойликларнинг сақланиши учун тўлиқ моддий жавобгар бўладилар. Тўлиқ моддий жавобгарлик ҳақида шартнома тузилиши лозим бўлган ходимларнинг рўйхати **3-илова**да келтирилган.

## **VIII. МЕҲНАТНИ МУҲОФАЗА ҚИЛИШ**

**96.** Меҳнатни муҳофаза қилиш бўйича 2025 йилга \_\_\_\_\_ млн.сўм маблағни ташкилот бюджетидан ажратади, шундан:

- махсус кийим-бош, махсус пойабзал ҳамда бошқа шахсий ҳимоя воситалари учун \_\_\_\_\_ млн. сўм;

- сут (шунга тенг бўлган бошқа озик-овқат маҳсулотлари), даволаш-профилактика озик-овқати, газланган тузли сув (иссиқ цехларда ишловчилар учун) учун \_\_\_\_\_ млн. сўм;

- гигиена воситалари (дизенфекция ва тозалаш воситалари, дори-дармонлар) учун \_\_\_\_\_ млн.сўм.

Барча режалаштирилган ва ажратишга келишилган маблағлар миқдори жамоа шартномасининг амал қилиш муддати давомида меҳнатга ҳақ тўлашнинг энг кам миқдорини ошириб борилишига мутаносиб равишда ошириб борилади.

Иш берувчининг мажбуриятлари:

**97.** Меҳнат муҳофазаси бўйича битим тузади (меҳнат шароитлари ва меҳнатни муҳофаза қилиш ишларини яхшилаш, санитария-соғломлаштириш чора-тадбирлари режаси ва сарф-харажатлар сметасига киритади) ва касаба уюшмаси қўмитаси билан келишган ҳолда жамоа шартномасига илова қилинади (**1-илова**).

**98.** Ҳар бир иш жойига мослаб меҳнат шароити бўйича меъёрий талабларни ишлаб чиқиш мажбуриятини зиммасига олади. Бу меъёрий талаблар ишлаб чиқариш муҳити, хавфсиз меҳнат шароитларини яратиш, биринчи навбатда меҳнат ҳамда дам олиш тартиби, ходимларга ижтимоий-маиший хизмат кўрсатишга оид меъёрий талабларни ўз ичига олиши керак.

**99.** Ўтган йилдаги иш жараёнида шикастланиш ва касб касалликлари ҳолати йилнинг биринчи февралигача таҳлил қилиб чиқилади, меҳнат шароитларини яхшилаш ҳамда санитария-соғломлаштириш тадбирларининг бажарилишига якун ясайди.

**100.** Меҳнат муҳофазаси хоналари учун оргтехника воситалари, меҳнат муҳофазаси бурчаклари, ўқитиш учун зарур бўлган техник воситалар, ўқув-кўргазмали қуроллар, тарғибот-ташвиқот воситалари, плакатлар ва бошқа анжомларни сотиб олади ҳамда уларнинг доимий сақланишини таъминлайди.

**101.** Ташкилотни куз - қиш мавсумида ишлашга тайёрлаш билан боғлиқ барча тадбирларни ҳар йили 25 август ва 1 октябргача бажарилишини таъминлайди ҳамда санитария-маиший биноларининг узлуксиз ишлашини ва уларнинг тегишли ҳолатда сақланишини таъминлайди (таъмирланиши, реконструкция қилиниши ёки янги қурилиши лозим бўлган бино ёки хоналар, бўлинмалар бўйича аниқ кўрсатиб берилади).

**102.** Ходимларни иш жараёнидаги бахтсиз ходисалар ва касб касалликларидан суғурта қилади, иш ўринларини меҳнат шароитлари ва асбоб-ускуналарнинг жароҳатлаш хавфлилиги юзасидан аттестациядан ўтказди ҳамда ходимларни дастлабки тарзда ва вақти-вақти билан тиббий кўрикдан (**4-илова**) ўтказилишини уларни чиқимдор қилмаган ҳолда ташкил қилади.

**103.** Иш ўринларини меҳнат шароити бўйича аттестациядан ўтказиш натижаларига асосан ходимларни белгиланган муддатларда ўрнатилган нормалар бўйича сут (шунга тенг бўлган бошқа озиқ-овқат маҳсулотлари), даволаш-профилактика озиқ-овқати, газланган тузли сув (иссиқ цехларда ва иссиқ кунда очик ҳудудларда ишловчилар учун), махсус кийим-бош, махсус пойабзал ҳамда бошқа шахсий ҳимоя ва гигиена воситалари билан бепул таъминлайди (**5-илова**).

**104.** Меҳнат шароити ноқулай, зарарли ва ифлосланишлар билан боғлиқ ишларда меҳнат қилувчиларни гигиена воситалари билан бепул таъминлаш ҳуқуқини берадиган касб ва лавозимлар рўйхатини тузади ва **6-иловага** мувофиқ берилишини таъминлайди.

**105.** Ходимларни меҳнат муҳофазаси бўйича ўқитади, ўз вақтида ходимларни йўриқдан ўтказилишини таъминлайди ва доимий назорат қилади.

**106.** Меҳнатни муҳофаза қилиш бўйича вакил этилган шахсга ўз зиммасига юклатилган вазифаларни бажариши учун ҳар ҳафтада камида икки соат иш вақт ажратади ва бу вақт учун иш жойи (лавозими) бўйича ўртача ойлик иш ҳақини сақлаб қолади. Меҳнат шароитларини яхшилаш борасида жонбозлик кўрсатган вакилларни маънавий ва моддий жиҳатдан рағбатлантиради ҳамда ҳар чорак якунига кўра мукофотлайди.

**107.** Бинолар, иншоотлар, асбоб-ускуналардан фойдаланиш, технологик жараёнларни амалга ошириш чоғида, ишлар бажариш ва хизматлар кўрсатиш чоғида ходимларнинг хавфсизлигини таъминлаш мажбуриятини ўз зиммасига олади.

**108. Иш берувчи Касаба уюшмаси қўмитаси билан ҳамкорликда:**

ташкilotнинг таркибий тузилмаси кесимида меҳнатни муҳофаза қилиш бўйича комиссия таркибини аниқлайди, уларнинг сайлови, ўқувини (ўқув муддатлари ва дастури кўрсатилади) ўз вақтида ташкил этади;

меҳнат муҳофазаси ва хавфсизлиги бўйича жамоатчилик назоратини ташкил этиш юзасидан республика кўрик-танловини барча номинациялар ўтказди ва ғолибларни юқори касаба уюшмаси органларига тавсия этади;

университет ва унинг таркибий тузилмасида уч босқичли меҳнат муҳофазаси ҳолати устидан маъмурий-жамоатчилик назорати олиб борилишини таъминлайди;

университетда жамоатчилик назоратини олиб бориш эҳтиёжига қараб бир нафар меҳнатни муҳофаза қилиш бўйича вакил сайлаб қўйилишини таъминлайди;

Халқаро меҳнат ташкilotининг меҳнат хавфсизлиги ва гигиенасига кўмаклашиш асослари тўғрисидаги 187-сонли Конвенциясига оғишмай риоя этади.

## **IX. ИЖТИМОЙ СУҒУРТА. ИЖТИМОЙ ИМТИЁЗ ВА КАФОЛАТЛАР**

**109.** Тарафлар қуйидаги тоифадаги ходимларга нисбатан назарда тутилган кафолатларга риоя этиш ва имтиёзлар бериш мажбуриятини ўз зиммасига оладилар:

а) 1941-1945 йиллардаги уруш қатнашчилари ва имтиёзлари бўйича уларга тенглаштирилган шахслар учун;

б) атом объектларидаги фалокатлар оқибатларини бартараф этиш ишлари қатнашчилари ва уларга тенглаштирилган шахслар учун;

в) I ва II гуруҳ ногиронлари учун.

**110.** Иш берувчи вақтинча меҳнатга лаёқатсизлик нафақасини Вазирлар Маҳкамасининг 2002 йил 28 февралдаги “Вақтинчалик меҳнатга лаёқатсизлик бўйича нафақалар тўлаш чегарасини такомиллаштириш тўғрисида”ги 71-сонли қарори асосида тўлаб боради.

**Иш берувчи** вақтинча меҳнатга лаёқатсизлик нафақасини қуйидаги миқдорларда тўлаб бориш мажбуриятини ўз зиммасига олади:

Иккинчи жаҳон уруши қатнашчиларидан бўлган ходимларга, байналмилалчи жангчиларга ва уларга тенглаштирилган шахсларга, қарамоғида 16 ёшга тўлмаган уч ва ундан ортиқ фарзанди бор ходимларга, Чернобил АЭСдаги ҳалокат оқибатларини бартараф этишда иштирок этган ходимларга, Чернобил АЭСдаги ҳалокат натижасида радиоактив ифлосланган зонадан эвакуация қилинган ва кўчириб келинган ходимларга (агар уларда қон яратиш органлари (ўткир лейкозлар), қалқонсимон без (аденомалар, рак) касалликлари ҳамда ракни келтириб чиқарувчи ўсимталар мавжуд бўлса), ядровий полигонлар ва бошқа радиация-ядровий объектларда ҳарбий хизматни ўтаган пенсия ёшидаги ногирон ходимларга, шунингдек меҳнатда майиб бўлиши ёки касб касаллиги натижасида вақтинча меҳнатга лаёқатсиз ходимларга – иш ҳақининг тўлиқ миқдорида;

ижтимоий аҳамиятга молик касалликлар бўйича рўйхатда турувчи ходимларга уларнинг давлат ижтимоий суғуртаси бадалларини тўлаган даври (умумий иш стажи)га қараб – иш ҳақининг 60 фоизидан 100 фоизигача;

бирор касаллик инфекцияси билан зарарланиши ёки зарарланган деб гумон қилиниши муносабати билан карантинга жойлаштирилган ота-оналар (улар ўрнини босувчи шахслар, васийлар, ҳомийлар), шунингдек, уларнинг 14 ёшгача бўлган боласини парвариш қилаётган шахсларга ўртача ойлик иш ҳақининг 100 фоизи миқдорида;

бошқа ҳолларда, ходимнинг умумий иш стажига қараб - иш ҳақининг 60 фоизидан 80 фоизигача.

**111.** Иш берувчи ходимларни йилида камида бир марта эпидемия хавфи мавжуд бўлган касалликлардан университет ҳисобидан эмлаб бориш мажбуриятини ўз зиммасига олади.

**112.** Ходим меҳнат вазифаларини бажариш билан боғлиқ бўлмаган сабабларга кўра вафот этганда иш берувчи молиявий имкониятидан келиб чиққан ҳолда унинг оиласига Ўзбекистон Республикасида ўрнатилган меҳнатга ҳақ тўлашнинг энг кам миқдорининг 10 баробаригача миқдорда ташкилот томонидан қўшимча топилган маблағлар ҳисобидан (ҳомийлик, пуллик хизмат кўрсатишдан олинган даромадлар) моддий ёрдам кўрсатиши мумкин.

**113. Иш берувчи:**

- ишламайдиган пенсионерларнинг меҳнат жамоасининг жамоат ҳаётида иштирок этишлари учун шароитлар яратишни, шунингдек ҳар йили пенсионерлардан, айниқса яқка-ёлғизлардан хабар олиш, туғилган кунларида ва байрамларда уларга эсдалик совғалари беришни, уларнинг уй-жой, маиший муаммоларини ҳал этишда кўмаклашишни, шунингдек муқаддас жойларга ва зиёратгоҳларга экскурсиялар ташкиллаштиришни ва бошқа ижтимоий аҳамиятли тадбирларни амалга ошириш учун шароит яратишни;

- қарамоғида ногирон фарзанди бор ходимларга моддий ёрдам кўрсатишни;

- ходимларга мамлакатимизда ишлаб чиқарилган узоқ муддат фойдаланиладиган товарлар харид қилиш ва уй-жой қурилиши учун фоизсиз ссудалар беришни ўз зиммасига олади.

**114. Шунингдек, тарафлар:**

- ҳар йили ўқув йили бошланиши арафасида кўп болали, кам таъминланган ходимлар фарзандлари учун ҳар бир болага Ўзбекистон Республикасида ўрнатилган меҳнатга ҳақ тўлашнинг энг кам миқдорини 50 фоизи ҳисобидан келиб чиққан ҳолда дарсликлар ва ўқув қуроллари харид қилишни;

- ҳар йили ходимлар фарзандларига янги йил совғаларининг **ташкилот** ҳисобидан топширилишини;

- ходимлар фарзандларининг болалар соғломлаштириш оромгоҳларида дам олишларини таъминлайдилар.

**115.** Мазкур **Шартнома** мақсадларида ҳар бир оила аъзосига тўғри келадиган бир ойлик ўртача даромад Ўзбекистон Республикасида ўрнатилган минимал истеъмол харажатлари қийматининг \_\_\_\_\_ бараваридан ошмаган оилалар - кам таъминланган оилалар деб ҳисобланади.

**116.** 11 ноябрь “Қасаба уюшмалари куни” байрами муносабати билан қасаба уюшмаси фаоллари **университет** маблағлари ҳисобидан тақдирланади.

## **Х. ХОДИМЛАРНИ КАСБГА ТАЙЁРЛАШ, ҚАЙТА ТАЙЁРЛАШ ВА УЛАРНИНГ МАЛАКАСИНИ ОШИРИШ. ИШНИ ТАЪЛИМ БИЛАН БИРГА ОЛИБ БОРУВЧИ ХОДИМЛАР УЧУН КАФОЛАТЛАР ВА КОМПЕНСАЦИЯЛАР**

**117.** Ходимларни касбга тайёрлаш деганда ходимларда назарий ва амалий билимларни шакллантиришга, шунингдек муайян соҳада касбий фаолиятни амалга оширишга ва (ёки) муайян касб ёки мутахассислик бўйича ишларни бажаришга имкон берувчи кўникма ҳамда малакаларни шакллантиришга йўналтирилган ўқитиш

тушунилади. Ходимларни касбга тайёрлаш иш берувчининг йўлланмаси бўйича ихтиёрий равишда таълим ташкилотларида амалга оширилади.

**118.** Ходим иш берувчи ва ходим учун мажбурий бўлган, шунингдек ихтиёрий қайта тайёрлаш ёки малака оширишга юборилган тақдирда, **Иш берувчи** ходимнинг иш жойини (лавозимини) ва қайта тайёрлаш ёки малакасини ошириш давридаги ўртача иш ҳақини сақлаб қолиши шарт.

**119.** Таълим ташкилотларида меҳнат шартномаси бўйича ишидан ажралмаган ҳолда ўқиб, ўқув режасини бажараётган ходимларга Ўзбекистон Республикаси Меҳнат кодексида назарда тутилганига қўшимча равишда яна қуйидагилар кафолатланади:

ишни ўқиш билан бирга олиб бориш учун зарур бўлган кундалик ишнинг бошланиши ва тамом бўлиши;

иш ҳафтасини яна бир соатга га қисқартириш;

ҳар йили камида 14 календарь кунлик иш ҳақи сақланмаган ҳолда таътил бериш.

Олий ва ўрта махсус, касб-ҳунар таълими ташкилотларида кечки ёки сиртқи таълим шакли бўйича ўқиётган ходимларга лаборатория-имтиҳон сессияларида иштирок этган давр учун ўқув таътиллари берилади:

олий таълим ташкилотларида кечки таълим шаклида ўқиётган биринчи ва иккинчи курс талабаларига 20 календарь кун, ўрта махсус, касб-ҳунар

таълими ташкилотларида 10 календарь кун, олий ва ўрта махсус таълим ташкилотларида сиртқи таълим шаклида ўқиётганларга эса 30 календарь кун;

олий таълим ташкилотларида кечки таълим шаклида учинчи ва ундан юқори курсларда ўқиётганларга 30 календарь кун, ўрта махсус, касб-ҳунар таълими ташкилотларида 20 календарь кун, олий ва ўрта махсус таълим, касб ҳунар таълими ташкилотларида сиртқи таълим шаклида ўқиётганларга эса 40 календарь кун муддатга ўртача иш ҳақи сақланган ҳолда ҳар йили берилади.

## **КОРОНАВИРУС ЁКИ БОШҚА ЮҚУМЛИ КАСАЛЛИКЛАР ТУФАЙЛИ ЖОРИЙ ҚИЛИНГАН КАРАНТИН ЧОРАЛАРИ ДАВРИДА ХОДИМЛАРГА БЕРИЛАДИГАН ИМТИЁЗ ВА КАФОЛАТЛАР**

**120. Иш берувчи** Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 19 мартдаги “Коронавирус пандемияси ва глобал инқироз ҳолатларининг иқтисодий тармоқларига салбий таъсирини юмшатиш бўйича биринчи навбатдаги чоратадбирлари тўғрисида”ги ПФ-5969-сонли Фармони ижросини таъминлаш мақсадида қуйидагиларни ўз зиммасига олади:

карантинга оид чоралар амал қилиши даврида **Иш берувчи** ходимларни, айниқса ҳомиладор аёллар, кексалар, имконияти чекланган ҳамда сурункали касалликка чалинган шахсларни, уларнинг розилиги билан, масофадан туриб ишлаш усулига, қулай иш графигига ёки уйдан туриб ишлашга ўтказди;

масофавий иш усулида, мослашувчан иш жадвалида ёки уйда ишлашга ўтиш ҳуқуқидан биринчи навбатда ҳомиладор аёллар, кексалар, имконияти чекланган шахслар ва сурункали касалликларга чалинган ходимлар фойдаланади.

масофавий ишда ишловчи ходим иш вақтини ўз хоҳишига кўра тақсимланишини ҳисобга олган ҳолда, у томонидан бажарилган ишлар учун бир барабар миқдорда меҳнат ҳақи тўланади. Бунда ходимга нисбатан иш вақтидан ташқари иш, дам олиш ва байрам кунларидаги иш, шунингдек тунги вақтдаги иш учун меҳнатга ҳақ тўлаш шартлари қўлланилмайди.

**121.** Ходимнинг хоҳишига кўра ва **Иш берувчининг** розилиги билан ходим вақтинчалик уйда ишлаши учун уй меҳнати шароитига ўтказилиши мумкин.

**122.** Уйда ишлаш тузилган меҳнат шартномасига мувофиқ ходим яшаш жойи

бўйича ёки унга ёхуд унинг оила аъзоларига тегишли бўлган бошқа биноларда иш берувчининг топшириғи билан меҳнат вазифаларини бажаришни англатади.

**123.** Ходим масофавий ишга, уйда ишлашга ёки мослашувчан иш графигига ўтказилганда унинг таътиллар жадвалига мувофиқ меҳнат таътили, вақтинча меҳнатга лаёқатсизлик бўйича нафақа олиш ҳамда қонун ҳужжатларида ва жамоа шартномасида назарда тутилган бошқа ҳуқуқлари сақланиб қолинади.

**124.** Коронавирус инфекцияси билан зарарланиши ёки зарарланган деб гумон қилиниши муносабати билан карантинга жойлаштирилган ота-оналар (улар ўрнини босувчи шахслар, васийлар, ҳомийлар), шунингдек, уларнинг 14 ёшгача бўлган боласини парвариш қилаётган шахсларга ўртача ойлик иш ҳақининг 100 фоизи миқдорида вақтинча меҳнатга қобилиятсизлик нафақаси тўланади (ЎЗР ПФ, 2020 йил 19 март ПФ-5969).

**125.** Масофавий ишга ўтказиш юзасидан ходим билан тузилган меҳнат шартномасига киритиладиган ўзгартиришларда Меҳнат кодексининг 73-моддасида назарда тутилган шартлар билан бир қаторда қуйидагилар кўрсатилади:

**Иш берувчи** ва ходим ўртасида электрон ҳужжат алмашинуви бўйича ўзаро алоқалар тартиби;

ходимнинг меҳнат мажбуриятларини амалга ошириш учун зарур бўлган жиҳозлар ёки техника воситаларидан фойдаланиш тартиби, агар томонлар тарафидан ходимга тегишли жиҳозлар ёки техника воситаларидан фойдаланиш тўғрисидаги келишув мавжуд бўлса;

**Иш берувчи** билан доимий алоқаларини таъминлаш мақсадида ходимни алоқа воситалари билан таъминлаш, шу жумладан Интернет тармоғидан фойдаланиш;

**Иш берувчи** томонидан ходимга берилган жиҳозлар ва техникаларнинг ходимнинг айби билан бузилганда, етказилган зарарни ходим томонидан **Иш берувчига** қоплаб бериш билан боғлиқ шартлар;

ходим ўз меҳнат вазифаларини бажариш учун шахсий жиҳозлар ва ёки техника воситаларидан, шунингдек алоқа воситалари, шу жумладан Интернет тармоғидан фойдаланган тақдирда харажатларни қоплаш тартиби ва шартлари;

ходим ва **Иш берувчининг** зарурий меҳнат муҳофазаси ва меҳнат шароитларига амал қилиш бўйича мажбуриятлари;

ходимни ишлаб чиқариш зарурияти туғилганда доимий иш жойига ўтказиш шартлари.

**126.** Ходим пандемия вақтида коронавирус инфекцияси билан касалланганда, **Иш берувчи** унга **Касаба уюшмаси қўмитасининг** тавсиясига кўра Ўзбекистон Республикасида ўрнатилган меҳнатга ҳақ тўлашнинг энг кам миқдорининг 3 баробари миқдорида моддий ёрдам кўрсатади.

**127.** Пандемия даврида иш жараёнида касалланган ходимларнинг даволанишига кетадиган харажатлар ташкилот маблағлари ҳисобидан қопланади.

**128.** Пандемия муносабати билан касаллик юқтирган ходимларнинг соғлиғига шикаст етказилганлиги ёки уларнинг оғир аҳволга тушиши ва соғлиғи тикланмаганлиги муносабати билан **Иш берувчи университетнинг** молиявий аҳволидан келиб чиқиб, молиявий жиҳатдан қўллаб-қувватлайди.

**129. Иш берувчи** юқумли вирус касаллигига чалинган ходимларга моддий ёрдам кўрсатиши, уларнинг даволаниши ва дори-дармонларнинг харажати (шу жумладан, ходимнинг болалари касал бўлса) учун тўловни амалга ошириши шарт.

**130.** Юқумли касалликлар билан оғриб тузалган ходимларни ташкилот ҳисобидан ҳар 6 ойда бепул тиббий кўрикдан ўтказилади.

**131. Ташкилот** ходимлари ўртасида коронавирус инфекцияси тарқалиши олдини олиш мақсадида **Иш берувчи** ходимларни иш жойларида антисептик ва зарур

санитария-гигиеник воситалар, ниқоблар билан таъминлашни, касаллик учун тест таҳлилларини топширишни, юкумли касалликларга қарши вакцина билан эмлашни, шунингдек иш жойларини, ошхона, ювиниш хонасини, ҳожатхона, **университетга** тегишли ётоқхоналарни, ишчиларни ташувчи транспорт воситаларини дезинфекция қилиш ишларини **ташкилот** ҳисобидан амалга оширади.

**132.** Фавқулодда вазиятли ҳолатлар юзага келганда, карантин эълон қилинганда **Иш берувчи** ходимнинг розилигига кўра унга иш ҳақини қисман сақлаб қолган ҳолда таътил бериши мумкин.

**133.** Ходимга юкумли инфекцияларга қарши вакцина олган куни ўртача иш ҳақи сақланган ҳолда ишланмайдиган бир кун берилади.

**134.** Коронавирус пандемияси даврида ходимнинг асосий меҳнат таътилин олиш ҳукуқини берувчи иш стажини ҳисоблашда иш ҳақи сақланмаган таътилда бўлган давр ҳам инобатга олинади.

## **XI. МАДАНИЙ-МАЪРИФИЙ ИШЛАР, ЖИСМОНИЙ ТАРБИЯ ВА СПОРТНИ ОММАЛАШТИРИШ, МЕҲНАТКАШЛАР ВА УЛАРНИНГ ОИЛА АЪЗОЛАРИНИ СОҒЛОМЛАШТИРИШ**

**135. Маданий-маърифий ишларни яхшилаш учун тарафлар қуйидагиларни ўз зиммасига олади:**

“Маънавият ва маърифат” хонасини ташкил этиб, уни ЎзКУФнинг ва Республика Маънавият ва маърифат маркази тавсиялари асосида жиҳозлаб, Ўзбекистон Республикаси Президенти асарлари, Мустақиллик йилларида чоп этилган замонавий адабиётлар ҳамда плакатлар, стендлар ва техник воситалар билан таъминлаш;

Давлат дастурларини бажариш борасида меҳнаткашлар ва ёшлар ўртасида таниқли фан, адабиёт ва санъат арбоблари, адабиётшунослар, ишлаб чиқариш илмларини жалб этган ҳолда, ҳар-хил мавзудаги мазмунли ва қизиқарли учрашувлар, маънавий-маърифий тадбирлар ташкил этиш;

“Китобхон” бурчакларини ташкил этиш ва “Энг яхши китобхон” кўрик танловини ўтказиш”;

ходимлар ва уларнинг оила аъзолари ўртасида бадий ҳаваскорликнинг янада ривожланишига ҳар тарафлама ёрдам кўрсатиш, уларнинг бўш вақтларини сермазмун ўтказиш, республиканинг тарихий шаҳарларига ва ўз ҳудудларидаги диққатга сазовар жойларга саёҳатларини, театр, концерт ва музейларга ташрифларини уюштириш;

- рағбатлантириш сифатида **университетнинг** бюджетдан ташқари маблағлари ҳисобидан ўз ходимларининг камида 10 фоизини оила аъзолари билан биргаликда ҳар йили дам олишга (ички туризмга) юборишни назарда тутадиган ходимларнинг жамоавий ва оилавий дам олишини ташкил қилиш (ушбу саёҳат даврида иш ҳақи сақланиши лозим);

«Ички туризм ойлиги», «Ички туризм ҳафталиги» ҳамда «Ички туризм кунлари»ни, «Оилавий саёҳат таътили»ни ташкил этиш ва ўтказиш;

ходимларга меҳнат қонунчилигига мувофиқ улар учун қулай бўлган вақтда саёҳат қилиш ва дам олиш учун таътилни фойдаланилмай қолган қисми ҳисобидан дам олиш кунлари (отгул) бериш;

умумхалқ ва касб байрамларини, хусусан “Қасаба уюшмалари куни”ни нишонлаш, байрам муносабати билан касб маҳорати, спорт ва бадий ҳаваскорлик бўйича мусобақа, танлов ҳамда тадбирлар уюштириш;

бугунги кунда амалга оширилаётган давлат сиёсатининг устувор йўналишлари, кенг қўламдаги ислохотлар моҳияти, қабул қилинган қонун ҳужжатлари ва давлат

дастурларининг аҳамиятини тармоқ ходимларига атрофлича тушунтириш мақсадида вақти-вақти билан “Маърифат соатлари”ни ўтказиб бориш.

**136.** Ўзбекистон Республикасининг “Жисмоний тарбия ва спорт тўғрисида”ги Қонунига биноан ходимлар ва уларнинг оила аъзолари ўртасида соғлом турмуш тарзини тарғибот қилиш мақсадида, тарафлар қуйидагиларни ўз зиммасига оладилар:

жисмоний тарбия ва спорт билан шуғулланиш учун етарли моддий ва бошқа шароитлар яратиб бериш (махсус спорт хоналарини ажратиш) ҳамда меҳнат жамоасида “ходимлар гимнастикаси” ва “спорт дақиқалари”ни жорий этиш;

соғлом турмуш тарзи ва оммавий спортни ривожлантириш мақсадида меҳнат жамоаларида фаолият юритаётган ходимга “Спорт тарғиботчиси” кўшимча вазифасини юклаш ва унинг базавий лавозим маошига 20 фоиз миқдорида устама белгилашни йўлга қўйиш;

иш вақтидан сўнг танланган кунларда (ҳафтада камида бир марта) раҳбар ва барча ходимларнинг жисмоний тарбия ва спорт машғулоти (югуриш, стритбол, футбол, бадминтон, волейбол, баскетбол, стол тенниси, сузиш ва бошқалар) билан шуғулланишини ташкил қилиш;

**университетда** ойнинг ҳар шанба кунини “Спорт – саломатлик куни” деб эълон қилиш ва **Иш берувчи** билан ҳамкорликда ходимларни спорт билан шуғулланишлари учун шароитлар яратиш бўйича чоралар белгилаш, жисмоний тарбия жамоаларини тузиш ва уларнинг ишини жонлантириш.

**137. Иш берувчи** Касаба уюшма кўмитасининг сўровига асосан университетнинг бюджетдан ташқари маблағлари ҳисобидан маданий-маърифий ишлар, жисмоний тарбия ва спортни оммалаштириш, меҳнаткашлар ва уларнинг оила аъзоларини соғломлаштириш, саёҳатлар ташкил қилиш, концертлар ва театрларга билетлар харид қилиш, санаториялар ва дам олиш уйларига йўлланмалар сотиб олиш, касаба уюшма аъзоларини моддий рағбатлантириш, моддий ёрдам кўрсатиш ва мукофотлаш ҳамда касаба уюшма кўмитасининг штатдаги ходимларига устамалар, мукофотлар ва рағбатлантириш тўловлари, шунингдек, бошқа тўловлар учун **Касаба уюшма кўмитасининг** ҳисоб рақамига пул маблағларини ўтказиш мажбуриятини ўз зиммасига олади (Ўзбекистон Республикасининг “Касаба уюшмалари тўғрисида”ги Қонунининг 18-моддаси).

## **ХII. АЁЛЛАР МЕҲНАТИНИ ТАРТИБГА СОЛИШ. АЁЛЛАР ВА ОИЛАВИЙ ВАЗИФАЛАРНИ БАЖАРИШ БИЛАН МАШҒУЛ ШАХСЛАРГА БЕРИЛАДИГАН ҚЎШИМЧА ИМТИЁЗЛАР ВА КАФОЛАТЛАР**

**138.** Тарафлар Халқаро меҳнат ташкилотининг 29, 100, 103, 111- сонли Ўзбекистон Республикаси томонидан ратификация қилинган Конвенцияларига ҳамда Халқаро меҳнат ташкилотининг Мажбурий меҳнат тўғрисидаги 29-сонли Конвенциясига Баённома оғишмай риоя этилишини таъминлайдилар.

**139.** Тарафлар Меҳнат кодексига кўзда тутилган қуйидаги кафолатларга риоя этилишини ҳамда имтиёзлар берилишини таъминлаш мажбуриятини ўз зиммаларига оладилар:

- а) хомиладор аёллар учун (392, 394, 396, 398, 400, 403, 404, 408-моддалари);
- б) икки ёшга тўлмаган боласи бор аёллар учун ( 392, 395, 396, 398, 405, 407-моддалари);
- в) уч ёшга тўлмаган боласи бор аёллар учун (392, 396, 397, 398, 405, 409-моддалари);
- г) ўн икки ёшга тўлмаган икки ва ундан ортиқ боласи ёки ўн олти ёшга тўлмаган ногирон боласи бор аёллар учун (401, 402-моддалари);

д) ўн олти ёшга тўлмаган ногирон болани тарбиялаётган ота-онанинг бири (васий, ҳомий) учун (401, 402-моддалари);

е) ўн тўрт ёшга тўлмаган боласи ёки ўн олти ёшга тўлмаган ногирон боласи бор аёллар учун (396-моддаси);

**140. Иш берувчининг мажбуриятлари:**

а) қисқартирилаётган аёлларни меҳнат бозорида талаб бўлган касбларга ўқитишни таъминлаш;

б) аёлларга малака ошириш ва қўшимча маълумот олиш ҳуқуқидан фойдаланиш учун имкониятлар яратиб бериш;

в) ташкилот реконструкциядан сўнг ишга тушганда унда ишга жойлаштириш учун қайта ўқитилган ва илгари мазкур ташкилотда меҳнат қилган аёлларга афзалликлар бериш;

г) тиббий хулосага мувофиқ ҳомиладор аёлларга енгилроқ ёки ноқулай ишлаб чиқариш омиллари таъсиридан ҳоли бўлган иш ўринлари ажратиш;

д) ҳомиладор аёлларни бирламчи тиббий-санитария ёрдами ташкилотларида антенатал (туғруққача) парваришлаш, яъни перинатал скрининг ва ташхис, мажбурий тиббий кўриклар ва бошқа мажбурий тиббий муолажалар учун, уларнинг ўртача иш ҳақи сақланган ҳолда бўш кунлар бериш, агар мазкур кўрикни ишдан ташқари вақтда ўтказиш имконияти бўлмаса. Ҳомиладор аёлларни антенатал (туғруққача) парваришлаш тартиби ва муддатлари Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгиланади.

е) уч ёшга тўлмаган болалари бор аёлларга 1 соатга қисқартирилган иш куни белгилаш;

ё) 2 ёки ундан ортиқ 12 ёшгача фарзанди бўлган аёлларга ҳар ойда 1 кундан иборат иш ҳақи сақланмайдиган дам олиш куни ҳамда ҳар иш кунида иш ҳақи сақланган ҳолда 1 соат қисқартирилган иш вақтини белгилаш;

ж) нормативда кўзда тутилганидан ташқари аёллар учун шахсий гигиена хоналарини ташкил этиш. Соғломлаштириш мажмуалари ва дам олиш хоналарини жорий этиш;

з) “2030 йилга қадар Ўзбекистон Республикасида гендер тенгликка эришиш стратегияси”га амал қилиш.

Икки ёшгача фарзанди бўлган аёлларга, болани овқатлантириш учун ҳар уч соатда 30 дақиқадан танаффус берилади, икки нафардан кўп 2 ёшгача фарзанди бўлган аёлларга эса, ҳар уч соатда 1 соатдан танаффус белгиланади. Болани овқатлантириш учун бериладиган танаффуслар иш соатига қўшилиб, ўртача иш ҳақи тўланади. Ходиманинг хоҳишига кўра, болани овқатлантириш учун ажратилган танаффуслар вақти дам олиш ва овқатланиш учун белгиланган танаффусга қўшиб берилиши ёки умумлаштирилиб, иш кунининг(смена) бошига ёки охирига ўтиши мумкин. (Ўзбекистон Республикаси Меҳнат кодексининг 236-моддасига асосан ).

**141. Касаба уюшмаси қўмитаси** аёллар меҳнат шароитларини яхшилашга, аёллар меҳнати ва соғлиги муҳофазаси бўйича ташкилотнинг ижтимоий дастури бажарилишида **Иш берувчига** яқиндан ёрдам беради.

**142.** Ҳомиладор аёлларга ва бола туққан аёлларга йиллик меҳнат таътили, уларнинг хоҳишига кўра, тегишинча ҳомиладорлик ва туғиш таътилидан олдин ёки ундан кейин берилади.

Ҳомиладор аёлларни йиллик меҳнат таътилидан чақириб олишга йўл қўйилмайди.

Болани парваришлаш таътилидан фойдаланаётган ходимга йиллик меҳнат таътили, унинг хоҳишига кўра, бола парваришлаш таътилидан олдин ёхуд ундан кейин берилади.

Ишлайдиган эркакларга хотинининг ҳомиладорлик ва туғиш таътили даврида ўз хоҳишига кўра йиллик меҳнат таътили:

биринчи иш йили учун - ишлаб берилган вақтдан қатъи назар;

кейинги йилларда - таътиллار бериш жадвалидан қатъи назар берилади.

Ўн тўрт ёшга тўлмаган битта ва ундан ортиқ болани (ўн олти ёшга тўлмаган ногиронлиги бўлган болани) тарбиялаётган ёлғиз отага, ёлғиз онага (бева эркакларга, бева аёлларга, никоҳдан ажрашганларга, ёлғиз оналарга) ва муддатли ҳарбий хизматни ўтаётган ҳарбий хизматчиларнинг хотинларига йиллик меҳнат таътиллари, уларнинг хоҳишига кўра, улар учун қулай бўлган вақтда берилади.

**143.** Тарафлар Ўзбекистон Республикасининг “Хотин-қизлар ва эркаклар учун тенг ҳуқуқ ҳамда имкониятлар кафолатлари тўғрисида”ги Қонунида кўзда тутилган қуйидаги кафолатларга риоя этилишини ҳамда имтиёзлар берилишини таъминлаш мажбуриятини ўз зиммаларига оладилар:

хотин-қизлар ва эркаклар учун тенг ҳуқуқ ҳамда имкониятларни таъминлаш мажбуриятларини ташкилотнинг ва унинг таркибий бўлинмаларининг ваколатли шахси зиммасига юклатиш;

ишга қабул қилиш ва хизмат бўйича кўтаришда хотин-қизлар ва эркаклар учун тенг ҳуқуқ ҳамда имкониятларни яратиш;

хотин-қизлар ва эркаклар меҳнатига ҳақ тўлашда нотенгликни бартараф этиш.

### **ХIII. ЁШЛАР УЧУН ҚЎШИМЧА ИМТИЁЗЛАР ВА КАФОЛАТЛАР**

**144.** Университетнинг ишида ва ривожланишида ёш мутахассислар иштироки самарасини янада ошириш ҳамда ёшларни ижтимоий ҳимоя масаласи ечимини топиш мақсадида томонлар:

- ёш ходимларга ҳар тарафлама ёрдам кўрсатиш;

- Халқаро Меҳнат Ташкилотининг 138, 182-сонли Конвенцияларига биноан ишга қабул қилиш учун энг кичик ёшга риоя этиш ҳамда болалар меҳнатининг оғир шакллари таъқиқлаш ;

- ёшларга оид давлат сиёсатини амалга оширишга қаратилган қўшимча чора-тадбирлар Дастури ижросини таъминлашда фаол иштирок этиш;

- ёш мутахассислар кенгашини тузиш, ёш ишчилар ва мутахассислар ўртасида касб маҳорати бўйича танловлар ўтказиш;

- Ташкилотнинг ўзида, зарур ҳолларда эса таълим Ташкилотлари ва ўқув курсларида ёш ходимлар учун касбий тайёргарлик, бошқа касбга ўргатиш, малака ошириш ишларини олиб бориш юзасидан аниқ мақсадга йўналтирилган иш олиб бориш тўғрисида келишдилар.

**145.** Қонун ҳужжатларига биноан ва мазкур **Шартнома** мақсадлари учун Ўзбекистон Республикасининг ЎРҚ-406-сонли “Ёшларга оид давлат сиёсати тўғрисида”ги Қонуни билан белгиланган “ёшлар”, “ёш оила”, “ёш мутахассис” тушунчаларидан фойдаланилади.

**146.** Тарафлар Ўзбекистон Республикаси Меҳнат кодексида кўзда тутилган қуйидаги кафолатларга риоя этилишини ҳамда имтиёзлар берилишини таъминлаш мажбуриятини ўз зиммаларига оладилар:

а) 18 ёшга тўлмаган ходимлар учун (411, 412, 413, 414, 415, 416, 417, 418, 419, 420, 421, 422-моддалар);

б) ишлаб чиқаришдан ажралмаган ҳолда ўқиётган ходимлар учун (167, 383-моддалар);

в) таълим ташкилотларини битирган ходимлар учун (129, 161-моддалар).

**147. Иш берувчининг мажбуриятлари:**

а) ўн саккиз ёшга тўлмаган шахсларга меҳнатни муҳофаза қилиш, иш вақти, таътиллار ва бошқа меҳнат шартлари соҳасида кўшимча имтиёзлар бериш;

б) таълим Ташкилотларида ишлаб чиқаришдан ажралмаган ҳолда ўқиб, ўқув режасини бажараётган ходимларга йиллик меҳнат таътили уларга қулай бўлган пайтда берилади. Шунингдек 18 ёшга тўлмаган шахсларга йиллик меҳнат таътили уларнинг хоҳишига кўра биринчи иш йили учун олти ой ўтмасдан берилади.

в) Ташкилот учун керакли бўлган кадрларни тайёрлаб бориш мақсадида олий ўқув юртлари талабалари контракт пулининг бир қисмини тўлаб бериш;

г) ёш оила аъзолари бўлган ходимларга мамлакатимизда ишлаб чиқарилган узок муддат фойдаланиладиган товарлар харид қилиш ва уй-жой қурилиши, шунингдек сафарбарлик чақирuvi захирасида хизмат ўташга ҳақ тўлаш учун ёш ходимларга фойизсиз ссудалар бериш.

д) Ташкилотда “Энг фаол ёш ходим” стендини ташкил этиш.

е) меҳнат жараёнида юқори кўрсаткичларга эришаётган, касаба уюшмаларида фаол ва шижоатли ёшларни рағбатлантириш;

ж) ёш ходимларни маданий-маърифий тадбирлар, касб маҳорати бўйича танловлар-да фаол иштирок этишини таъминлаш.

**148.** Ёшларни миллий истиқлол ғояси руҳида тарбиялаш, уларни турли ёт диний-экстремистик оқимлар таъсирига тушиб қолишларидан, зарарли одатларга берилиб кетишларидан муҳофаза қилиш мақсадида давлат ва ҳукуқ-тартибот органлари, республикада фаолият кўрсатаётган жамоат ташкилотлари ҳамда жамғармалар билан ҳамкорликда ахлоқий-тарбиявий мавзуларда давра суҳбатлари, учрашувлар ташкил қилинади.

**149.** Кам таъминланган, етим, ногирон, касалманд талабалар турар жойларида яшовчи ва ижарада яшовчи талабаларнинг дарс тайёрлашлари ва яшаш шароитларини яхшилаш, дам олиши, жисмоний тарбия ва спорт билан шуғулланишлари ҳамда маънавий-маърифий ишларни ташкил қилиш, уларни ижтимоий-иқтисодий муҳофаза қилиш борасида давлат ва нодавлат нотижорат ташкилотлар билан ижтимоий шериклик асосида ҳамкорлик қилинади.

**150.** Ректор кам таъминланган, етим, ногирон, касалманд ва ижтимоий ҳимояга муҳтож бўлган талабаларнинг контракт тўловларини ўз вақтида тўлаш имкони бўлмаган вақтда, тўлов муддатларини узайтиришга имкон беради. Бунда касаба уюшма кўмитаси баённомаси асос бўлади. Шунингдек, шу каби ижтимоий ҳимояга муҳтож талабалар учун ижтимоий пакетлар жорий қилади.

**151.** Талабалар турар жойларида кам таъминланган, чин етим, етим ва ижтимоий ҳимояга муҳтож талабалар касаба уюшма кўмитасининг қарори асосида бепул жой билан таъминланади.

**152.** Талабалар турар жойларида яшовчи талабаларни хавфсизлиги таъминланади. Талабалар турар жойлари фаоллари (талабалар кенгаши, қаватлар сардорлари, тозалик комиссияси) фаолияти йўлга қўйилади.

**153.** Талабалар турар жойларида талаб даражасида санитар-маиший шароитлар яратиб берилади. Ювиниш, овқатланиш хоналари, ўқув зали, маънавият ва маърифат хонаси, кутубхоналар жиҳозланиб, маданий дам олиш учун телевизор ҳамда спорт тадбирларини ўтказиш учун спорт анжомлари Ташкилот ҳисобидан харид қилинади.

**154. Касаба уюшмаси кўмитаси мажбуриятлари:**

а) ёш ходимларнинг ижтимоий ҳуқуқлари ва кафолатларини ҳимоя қилиш ишларини янада такомиллаштириш учун мавжуд ҳуқуқий-норматив базадан фойдаланиш;

б) ёш йигит-қизларни касаба уюшмалари фаолиятига жалб этиш ишларини олиб

бориш, жамоат ишида фаоллик кўрсатган ёшларни тизимли равишда маънавий (фахрий ёрлик, ташаккурнома, улар тўғрисида газеталарда рағбатлантирувчи мақолалар чоп этиш) ва моддий рағбатлантириш;

**155.** Ўзбекистон Республикаси Меҳнат кодексининг 247<sup>1</sup>-моддасига асосан «Ўрта махсус, профессионал таълим ташкилотларининг, шунингдек давлат грантлари бўйича таълим олган олий ўқув юртларининг тегишли таълим ташкилотсини тамомлаган кундан эътиборан уч йил ичида биринчи бор ишга кирган битирувчилари билан меҳнат шартномаси у тузилган кундан эътиборан уч йиллик муддат ўтгунига қадар иш берувчининг ташаббусига кўра бекор қилинганда иш берувчи бу ҳақда маҳаллий меҳнат органини хабардор қилиши шарт»лиги устидан жамоатчилик назоратини олиб бориш.

#### **XIV. МЕҲНАТ НИЗОЛАРИНИ ҲАЛ ЭТИШ**

**156.** Келишувчи томонлар, ижтимоий шерикчилик принципларини тан олган ҳолда, жамоа шартномасини бажарилишида юзага келган ҳар қандай низоларни олдини олиш чораларини кўришни ўз зиммасига оладилар. Баҳслашувлар Ўзбекистон Республикаси қонун ва қонуности ҳужжатлари асосида ҳал этилади.

**157.** Якка тартибдаги меҳнат низолари ва зиддиятлар иш берувчи ва касаба уюшма қўмитаси томонидан тенглик асосида тузиладиган меҳнат низолари комиссияси томонидан кўриб чиқилади. Меҳнат низолари комиссияси ўз фаолиятини қонун ҳужжатларига мувофиқ олиб боради.

**158.** Меҳнат низолари комиссияси ўз фаолиятини қонун ҳужжатларига ва Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси Кенгаши, Ўзбекистон Республикаси Савдо-саноат палатаси томонидан тасдиқланган (12.01.2015 й., 20-66 с, 15.01.2015 й., 01-СП), Бандлик ва меҳнат мунсосабатлари билан келишилган тавсияларга асосан ишлаб чиқилган Низомга мувофиқ олиб боради (**7-илова**).

#### **XV. ИЖТИМОЙ ШЕРИКЧИЛИК. КАСАБА УЮШМАСИ ФАОЛИЯТИНИНГ КАФОЛАТЛАРИГА РИОЯ ЭТИЛИШИ**

**159.** Касаба уюшмаси қўмитаси юридик шахс сифатида рўйхатдан ўтгани ёки ўтмаганидан қатъи назар **Иш берувчи** билан жамоа музокараларини олиб боришда ва жамоа шартномасини тузишда устувор ҳуқуққа эга, унинг бажарилиши юзасидан жамоатчилик назоратини амалга оширади (*Ўзбекистон Республикаси «Касаба уюшмалари тўғрисида»ги Қонун*).

**160.** Касаба уюшмаси қўмитаси **Иш берувчи** томонидан ходимларнинг ижтимоий-иқтисодий ҳуқуқ ва манфаатларига тааллуқли бўлган норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар ҳамда техник жиҳатдан тартибга солиш соҳасидаги норматив ҳужжатлар, шунингдек мазкур **Шартнома** талабларига риоя этилиши устидан жамоатчилик назоратини иш ўринларида амалга ошириш ҳуқуқига эга. **Иш берувчи** қонунчилик бузилишларини бартараф этиш тўғрисидаги тақдимномаларни бир ҳафталик муддатда кўриб чиқади ва кўриб чиқиш натижалари ҳақида **Касаба уюшмаси қўмитасини** хабардор қилади. (*Ўзбекистон Республикаси «Касаба уюшмалари тўғрисида»ги Қонунининг 34-, 46-моддалари*).

**161.** **Иш берувчи университетда** ходимларнинг ягона вакиллик органи сифатида **Касаба уюшмаси қўмитасини** тан олади ва:

- ходим (ички ва ташқи ўриндош, шунингдек, соатбай ўқитувчи) ларнинг ёзма розилик аризалари асосида иш ҳақидан камида 1 фоиз миқдоридаги касаба уюшмаси аъзолик бадаллари **университет** бухгалтерияси орқали ушлаб қолинишини ва пул

ўтказиш йўли билан ўз вақтида ва тўлиқ миқдорда, бюджет ва бюджетдан ташқари фондларга мажбурий тўловларни тўлаш билан бир вақтда университет касаба уюшмаси кўмитаси ҳисоб рақамига ўтказилишини;

- аъзолик бадаллари бир ой муддатдан ортиқ вақт мобайнида ўтказилмаган тақдирда айбдор мансабдор шахсга нисбатан интизомий чора кўрилиши кафолатлайди.

**162.** Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида 2012 йил 15 мартда 2342-рақам билан рўхатга олинган “Хўжалик юритувчи субъектларнинг банк ҳисоб варақларидан пул маблағларини ҳисобдан чиқариш тартиби тўғрисидаги йўриқнома”га биноан университет ҳисоб варағида маблағ етарли бўлмаган ҳолларда касаба уюшмасига аъзолик бадаллари ижро тўлов ҳужжатлари бўйича пропорция асосида ҳисобдан чиқариладиган маблағлар қаторига киритилади.

**163. Иш берувчи:**

а) жамоа шартномасига кирмаган ижтимоий-иқтисодий масалалар бўйича қарорлар қабул қилишдан олдин Касаба уюшмаси кўмитаси билан олдиндан келишиб олиш;

б) **Касаба уюшмаси кўмитаси** талаб қилганда унга меҳнат ҳамда ижтимоий-иқтисодий ривожланиш билан боғлиқ масалалар юзасидан маълумотлар тақдим этиш;

в) **Касаба уюшмаси кўмитасининг** Уставда белгиланган фаолиятини амалга ошириш учун уни хоналар, ташкилий техника, алоқа воситалари, канцелярия моллари билан бепул таъминлаш мажбуриятларини олади;

г) асосий ишидан озод этилмаган касаба уюшмаси кўмитаси раисига жамоатчилик асосидаги ишларни бажарётганлиги учун иш ҳақининг 30 фоизи ҳамда факультетлар бошланғич касаба уюшма раисларига жамоатчилик асосидаги ишларни бажарётганлиги учун иш ҳақининг 15 фоизи миқдорида устама тўлайди.

**164. Касаба уюшмаси кўмитаси:**

а) Университетнинг ижтимоий ва иқтисодий ривожланиш дастурларини бажарилишига кўмаклашиш, бу борада ходимлар ташаббуси ва ижодиётини кўллаб-қувватлаш ва ривожлантириш;

б) иш ҳақи тўланиши, жамоа шартномаси бўйича қўшимча тўловлар берилиши тўғрилигини, шунингдек меҳнат муҳофазаси ва хавфсизлик техникаси шароитларини яхшилаш бўйича тадбирлар бажарилишини назорат қилиш;

в) меҳнат тўғрисидаги қонунлар ижросини назорат қилиш, ходимлар ҳуқуқий саводхонлигини юксалтиришга кўмаклашиш;

г) касаба уюшмаси аъзоларининг меҳнат қилиш ҳуқуқини ҳимоя қилиш;

д) иш жойларидаги мавжуд камчиликларни ўз вақтида бартараф этилишига эришиш ва иш жойларини меҳнат муҳофазаси, хавфсизлик техникаси ва саноат санитарияси қоидалари талабларига мувофиқ ҳолатга олиб келиш борасида иш берувчи томонидан тегишли чоралар кўрилишини талаб қилиш;

е) ходимлар ва уларнинг оила аъзоларини дам олиши ва соғломлаштирилиши учун ходимларнинг аризаларини тегишли соғломлаштириш масканларига йўлланмалар билан Ўзбекистон касаба уюшмаси Федерацияси Ижроия кўмитаси томонидан тасдиқланган меъёрлар доирасида таъминлаш;

ж) Ташкилотда меҳнат ва турмуш шароитлари аҳволининг жамоатчилик назоратини ташкил қилиш ва амалга ошириш;

з) касаба уюшмаси аъзолари ўртасида меҳнат ва ишлаб чиқариш интизомини мустаҳкамлашга, меҳнат жамоасида можароларга олиб келувчи вазиятларнинг олдини олиш ҳамда барқарор маънавий муҳитни таъминлашга қаратилган тушунтириш ва ташкилий ишларни олиб бориш;

и) ҳар хил танловлар, спорт мусобақалари ғолибларини тақдирлаш учун рағбатлантирувчи совғалар ва мукофотлар таъсис этиш;

к) Ўзбекистон касаба уюшмаси Федерациясининг «Ишонч», «Ишонч-Доверие» газеталарига обунани таъминлаш мажбуриятларини олади.

**165. Иш берувчи** Ўзбекистон Республикасининг «Касаба уюшмалари тўғрисида»ги Қонунига биноан касаба уюшмалари органларидаги сайлаб қўйиладиган лавозимларга сайланганлиги туфайли ишлаб чиқаришдаги ишидан озод этилган ходимларга уларнинг сайлов ваколатлари тугаганидан сўнг аввалги иши (лавозими)ни бериш, бундай иш (лавозим) мавжуд бўлмаган тақдирда эса шу Ташкилотда ёки ходимнинг розилиги билан бошқа Ташкилотда аввалгисига тенг бошқа иш (лавозим) бериш мажбуриятини олади.

**166.** Ишлаб чиқаришдаги асосий ишидан озод қилинмаган ходимлар вакилларига меҳнат жамоасининг манфаатларини қўзлаб жамоатчилик вазифаларини бажариши учун ҳар ҳафталик иш вақтининг 30 фоизидан кам бўлмаган вақт, шунингдек касаба уюшмасининг йўналиши бўйича қисқа муддатли ўқиши учун ўртача иш ҳақи сақланган ҳолда вақт берилади («Касаба уюшмалари тўғрисида»ги Қонуни, 18-модда).

**167.** Ишлаб чиқаришдаги асосий ишидан озод қилинмаган ходимлар вакилларига интизомий жазо чораларини қўллаш, улар билан Иш берувчи ташаббусига кўра меҳнат шартномасини бекор қилиш амаллари Ўзбекистон Республикаси Меҳнат кодексига, Ўзбекистон Республикасининг «Касаба уюшмалари тўғрисида»ги Қонунида ҳамда Халқаро меҳнат ташкилотининг «Ташкилотларда меҳнаткашлар вакиллари ҳуқуқларини ҳимоя қилиш ва уларга бериладиган имкониятлар тўғрисида»ги 135 ва 87-сонли Конвенцияларида назарда тутилган талабларга риоя қилинган ҳолда амалга оширилади.

## **XVI. ЖАМОА ШАРТНОМАСИ БАЖАРИЛИШINI НАЗОРАТ ҚИЛИШ**

**168. Касаба уюшмаси қўмитаси** манфаатлари у томонидан ифода этилаётган ходимлар номидан **Иш берувчи** билан жамоа музокараларини олиб боришга, жамоа шартномасини тузишга бўлган устувор ҳуқуққа эга, шунингдек унинг бажарилиши юзасидан жамоатчилик назоратини амалга оширади. (Ўзбекистон Республикаси «Касаба уюшмалари тўғрисида»ги Қонунининг 29- ва 34-моддалари).

**169.** Тарафлар тенглик асосида, мазкур **Шартнома** бажарилишини текшириб боровчи комиссия тузатилар ва бир йилда бир маротаба мазкур **Шартнома** бажарилиши юзасидан текширув ўтказиш ва натижаларни меҳнат жамоасининг конференциясида муҳокама қилишни ўз зиммаларига оладилар.

**170.** Тарафлар Бош, тармоқ келишувларини тан олиб уларни бажариш мажбуриятини ўз зиммаларига оладилар. Башарти юқорида номлари келтирилган келишувларга ўзгартиришлар киритилса, **Иш берувчи** ва **Касаба уюшмаси қўмитаси** 10 кун муддат ичида мазкур **Шартномага** тегишли ўзгариш, қўшимчалар киритиш бўйича музокаралар олиб боришни ўз зиммаларига оладилар.

**171.** Касаба уюшмаси қўмитаси жамоа шартномаси лойиҳасини маъқуллаш юзасидан чақириладиган меҳнат жамоасининг умумий йиғилишидан олдин унинг лойиҳасини экспертиза учун юқори турувчи касаба уюшмаси органига ёки юридик фирмага тақдим этади. Мазкур **Шартнома** имзолангандан сўнг, тарафлар уни рўйхатдан ўтказиш учун юқори турувчи касаба уюшмаси органига тақдим этадилар.

**172.** Жамоа шартномаси имзолангандан сўнг, томонлар уни бажарилиши бўйича тадбирлар режаси, масъуллар ва муддатларини белгилаб оладилар.

**173.** Жамоа шартномасининг матни ва иловалари билан ходимлар ташкилотнинг ходимлар бўлими, ҳуқуқшунослар хонасида ҳамда **Касаба уюшмаси қўмитаси хонасида** танишишлари мумкин.

**174. Шартноманинг** амал қилиш даврида ёки амал қилиш муддатини узайтириш даврида киритилган ўзгаришлар ва қўшимчалар, иловалар қўшимча келишув кўринишида бўлган алоҳида ҳужжатлар билан расмийлаштирилиб, мазкур **Шартноманинг** ажралмас қисми бўлиб ҳисобланади.

## **XVII. ЖАМОА ШАРТНОМАСИ МАЖБУРИЯТЛАРИНИНГ БУЗИЛИШИ ЁКИ УЛАРНИ БАЖАРМАСЛИК УЧУН ЖАВОБГАРЛИК**

